Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 111 (20. 378) • 1989 йил 12 май, жума • Баҳоси 3 тийин.

• *ИНСОН ИРОДАСИ ОФАТДАН КУЧЛИ*

ДЕҲҚОН МАТОНАТИ

Табиий офат Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз далаларидаги эндигина униб чиққан ғўза ниҳолларига салбий таъсир кўрсатди. Айниқса, Пардабой Нишонов бошлиқ бригада далаларида ташвишли аҳвол юз берди. Бу ерда апрель ойи охирларида ғўза ниҳоллари баравж ривожланаётган эди. Дастлабки культивация ҳам тугалланганди. Тўсатдан ҳавонинг совиб кетиши, қор ёғиши ишнинг белига тепди.

Бироқ миришкор ҳарачилар тушкунликка тушганлари йўқ. Ўша, офат юз берган куни ҳамма далага отланди. Экин майдонлари қайтадан бороналаниб, чигит экиляпти. Бригада коллективи қайта чигит экишни қисқа муддатда тугатишга аҳд қилди.

Умуман хўжалик бўйича жуда катта зарар кўрилди. Район бўйича эса 5882 гектар майдонга қайта чигит экилиши керак. Бундай қийинчиликларни кўраверіб, кўзи пишиб кетган деҳқонлар руҳларини туширмай сеялкаларини яна далаларга олиб чиқдилар.

Ш. АНВАРОВ.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Апрель ойининг сўнгги кунлари, май ойининг бошларида ҳаво ҳароратининг бирданига пасайиб кетиши Қорақалпоғистон Автоном республикасининг деярли ҳамма районлардаги эндигина униб чиққан ғўза ниҳоллари, сабзавот, полиз экинлари, боғ-роғларга жиддий зарар етказди.

ҚҚАССР бўйича жаъми 30 минг гектар майдондаги ғўза, 10 минг гектар янги беда, дон учун экилган 2000 гектар маккажўхори, 1000 гектар сабзавот, 1100 гектар полиз экинлари нобуд бўлди.

Айни кунларда барча хўжаликларда табиат қийинчиликларини бартараф этиш учун қизғин иш олиб борилмоқда. Қайта чигит экиш суръатини кўтаришга ҳаракат қилиняпти. Кўчат тайёрлаш, уларни далага экиш, боғ ва токзорларга ишлов беришга ҳам катта эътибор бериляпти. Хуллас, қорақалпоғистонлик деҳқонлар барча экинлардан мўлжалдаги ҳосилни олиш учун курашмоқдалар.

Е. РАИМОВ

ЎЗАРО НАФ

МОСКВА, УРАЛ, СИБИРНИНГ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ЎРТА ОСИЁ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИ БИЛАН БЕВОСИТА АЛОҚА ЎРНАТМОҚДА

Мамлакатнинг кўпгина шаҳарлари, бошқа аҳоли пунктлари сабзавот ва мева билан яхши таъминланаётгани йўқ. Бир қанча жойларда картошка ҳам етишмаяпти. Амалда ҳар бир киши йилига 40 килограмм сабзавот ва 20 килограмм мевани кам олмоқда. Ҳолбуки, Ўрта Осиё, бошқа жанубий регионлар витаминли маҳсулот етиштириш учун жуда қулай ўлкалар ҳисобланади.

Европа қисми, Урал, Сибирь областлари жанубий республикалар билан шартномалар тузаётганлигини кўрсатувчи мисоллар оз эмас. Масалан, Урал, Сибирдаги шаҳарларга мева, сабзавот, Ўрта Осиёга эса шунга мувофиқ равишда картошка етказиб берилмоқда. Ўзбекистоннинг Фарғона области билан Хакасия ўртасидаги, Тюмень нефтчилари билан Тожикистон хўжаликлари, Красноярск ўлкаси энергетиклари билан Қирғизистон сабзавоткорлари ўртасидаги бевосита алоқалар ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Мисоллар оз эмас, аммо булар ҳозирча айрим фактлардир. Уларнинг умумий вазифани ҳал этишга таъсири ҳар ҳолда унчалик катта эмас.

Бу йил мамлакат корхоналари хўжалик ҳисобига, ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтдилар, уларнинг кўпчилиги ўзларининг маблағларини, моддий ресурсларини жанубдаги хўжаликларга ажратиб бериб, бунинг эвазига ўша хўжаликлардан эртанги сабзавотни, кузда эса меваларни гарантияланган ҳолда олиб туриш истагини билдиришмоқдалар. Дарвоқе, бу нарса маҳаллий коллективларнинг энг муҳим манфаатларига ҳам мос келади: ишлаб чиқариш базаси ва социал база мустаҳкамланади, маҳсулот ҳажмлари ошади, аҳоли иш билан кўпроқ таъминланади.

Шу кунларда Москвадаги, Урал, Сибирнинг кўпгина областларидаги бир қанча саноат корхоналарининг раҳбарлари, ана шу корхоналар меҳнат коллективлари кенгашларининг раислари, партия, совет ходимлари Ўрта Осиё республикалари хўжаликларида бўлдилар. Бевосита алоқаларнинг турли вариантлари муфассал ўрганилди, фақат иқтисодий, аниқроқ қилиб айтганда, хўжалик ҳисоби асосида ўзаро манфаатли шартлар изланди.

Ўзбекистоннинг Сурхондарё области колхоз ва совхозлари далаларидаги суҳбатлар маромқи бўлди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев бу ерга келди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, республика Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, агросаноат комплексининг раҳбарлари ва мутахассислари у ёқдан бирга бўлдилар. Сурхондарё области — мамлакатнинг ҳақиқатан ҳам мева-сабзавот дурдонасидир. Бу ерда апрель ўрталарига келиб карам етилади, сал кейинроқ эса сабзи, сўнгра бодринг, помидор пишади, редиска бутун йил мобайнида ўсади. Ўз-ўзидан равшанки, кузда мева-чева, узум айниқса мўл бўлади.

Область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов идишларни етказиб бериш, совутиш, ташиш ишлари ёмонлиги сабабли ана шу ноз-неъматнинг кўпи нобуд бўлаётганлигини ташвишланиб, ачиниб гапирди. Мева, сабзавотни қайта ишловчи қувватлар ниҳоятда кам. Энг муҳими эса, бундай тақчил маҳсулотни анча кўп етиштириш мумкин. Бундан область, маҳаллий аҳоли ва албатта иқлими қаттиқ бўлган областларнинг меҳнаткашлари наф кўрган бўлар эдилар.

Май ойининг биринчи ўн кунлигида ажойиб ноз-неъматларни кўрамиз: дала чеккасидаги стол устида эндигина узилган карам, қулупнай, бодринг, сабзи, турли ошкўклар бор эди. Ҳозир бу ерда, Ўзбекистоннинг жанубида бу ҳол оддий бир нарса, вақолонки, бошқа жойларда буни фақат орзу қилишади. Е. К. Лигачев Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози сабзавоткорларининг бригадири К. В. Громницкий билан суҳбатлашди. Бригадада 34 оила бўлиб, улар ўз ишининг моҳир усталаридир.

— Далаларимиз чинакам сабзавот конвейеридир, — дейди бригадир. — эртанги карамни йиғиштириб олишимиз биланоқ бодринг, сўнгра эса бошқа экинни экамиз. Амалда ҳар бир майдондан йилига уч марта ҳосил оламиз. Биз — ижарачилармиз, шу боисдан ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириб бориш имкониятини излаяпмиз. Эндиликда яхши кафолотга эгамиз: нефтчилар билан шартнома тузганмиз.

СССР Нефть саноати министрлигининг корхоналари, жумладан «Главтюменнефтегаз», «Башнефть», «Татнефть», «Томскнефть», «Пермнефть» бирлашмаларининг корхоналари Сурхондарё хўжаликлари билан иқтисодий ҳамдўстлик тўғрисида узоқ муддатли (10 йилгача) шартнома тузадилар. Нефтчилар Ўзбекистон колхоз ва совхозларини ривожлантириш учун омборлар қурилишига маблағ ва материаллар берадилар, ёғоч-тахта, металл, транспорт, турли машина-ускуналарни ажратадилар. Улар шунга баравар қийматда эртанги сабзавот, сўнгра узум, мева оладилар. Бунда карам, сабзи, қулупнай Сибирга яқин кунлар ичида етказиб бериш бошланади.

11 май куни Тошкентда бўлиб ўтган кенгашда КПСС Марказий Комитети март Пленумининг йўл-йўриқлари асосида мамлакат аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш вазифаларини ҳал этишга алоқадор масалалар муҳокама қилинди.

Е. К. Лигачев шу кенгашда нутқ сўзлаб, Омск, Брест, Ставрополь ва Калугада бўлиб ўтган зона семинар кенгашларида хўжалик ҳисоби, ижара муносабатларига, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари кооперациясини кенгайтиришга, оилавий хўжаликлар ҳамда боғдорчилик-полизчилик кооперативларини ривожлантиришга доир масалалар кўриб чиқилганлигини айтди. Биз Россия Федерацияси ва жумладан Москва, Урал, Сибирдаги областлар ҳамда республикалар, саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар, матлубот кооперациясининг Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли иқтисодий асосдаги бевосита алоқаларини янада ривожлантиришга бағишланган бугунги учрашувга ҳам катта аҳамият беряпмиз.

Аниқ қилиб айтганда, озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан сабзавот ва мева, картошка етиштиришни кўпайтириш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалиги ва матлубот кооперацияси корхоналари меҳнат коллективларининг куч-ғайратларини бирлаштириш ҳақида, республикалараро меҳнат тақсимотини ва кооперацияни янада ривожлантириш тўғрисида гап боряпти.

Бу соҳада бизнинг тажрибамиз бор. Аммо ҳозир мана шу жараёнларнинг ҳаммасига яна ҳам планли, кенг миқёсли тус бериш муҳимдир. Асосийси эса, бевосита алоқалар тенглик, ўзаро манфаатдорлик принциплари асосига, баравар-лик ва товар-пул муносабатлари асосига қурилиши лозим. Бундай ёндашув иттифоқдош республикаларда ўзини ўзи бошқариш ҳамда ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида экономикага ва социал соҳага раҳбарлик қайта қурила бошлаётганлиги билан батамом мос келади.

Бу масаланинг социал жиҳати жуда муҳимдир. Маҳсулот етиштириш ҳажмларининг ўсиши ва регионлар ўртасида уни кенг кўламда айрибошлаш аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш ва унинг турмуш даражасини ошириш, колхоз ва совхозларнинг экономикасини ҳамда уларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, жамғарма манбаларини кенгайтириш имконини беради. Бунинг устига моддий ресурслардан яна ҳам оқилона фойдаланиш, қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги муаммосини яхшироқ ҳал этиш мумкин, ҳолбуки Ўрта Осиёда меҳнат ресурслари ошиб-тошиб ётганлиги маълум.

Областлар, ўлкалар ва республикалар кооперациясини, шунингдек саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасидаги хўжалик алоқаларини ривожлантиришнинг сиёсий аҳамияти ҳам ғоят катта. Бу — миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, миллатлар ўртасидаги қардошлик муносабатларини ривожлантириш, тажрибани ва маънавий бойликларни баҳам кўриш, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш учун иқтисодий негизларни кенгайтиради ва мустаҳкамлайди.

Шундай қилиб, республикалар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарининг бевосита алоқаларини ривожлантириш туб иқтисодий ислоҳот ҳамда мамлакат сиёсий системасини қайта қуриш билан уйғунлашиб кетади. Бу — совет жамияти турмушининг барча томонларини янгилашдан иборат кенг миқёсли программанинг муҳим бўғинидир.

Ўрта Осиё республикаларининг агросаноат комплексида пахтачилик ҳамон ғоят муҳим соҳа ҳисобланади. Пахтанинг юксак сифатли бўлишини ва толанинг мумкин қадар кўпроқ олинишини таъминлаш зарур. Бундан ташқари, бу ерда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, аҳоли жон бошига гўшт ва сут, шунингдек, сабзавот ва мева истеъмол қилишни ошириб боришга эришиш керак.

Тўғрисини айтсак, сўнгги вақтларгача Ўрта Осиё республикаларида ҳам мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш суст ривожлантирилди. Матлубот кооперацияси тайёрлаш ва қайта ишлаш базаларини вужудга келтиришдан четда қолди. Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларининг матлубот союзлари ўз пойтахтларида бошқарув аппарати учун ҳашаматли маъмурий бинолар барпо этишди-ю, аммо мева-сабзавот маҳсулотини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш учун замонавий корхоналар тармоғини ривожлантириш борасида тайинли бирон иш қилганлари йўқ. Агар бунга қўшимча қилиб поезд-ларнинг секин юришини ҳам айтадиган бўлсак; Ўрта Осиё республикаларидан мева ва сабзавотнинг талайгина қисми Москва шаҳрига, Урал ва Сибирга ҳамда мамлакатнинг бошқа районларига нима учун сифатсиз ва ҳатто чириган ҳолда етказиб берилаётганлиги тушунарли бўлиб қолади. Минглаб километр жойдан етказиб берилган маҳсулот уни сақлаш жараёнида ҳам кўплаб чириб кетмоқда.

Кейинги вақтларда шу региондаги республикалар мева-сабзавот комплексларини ривожлантириш программасини ишлаб чиқдилар. Маҳсулотни анча кўпайтириш, зарур инфраструктураларни вужудга келтириш назарда тутилмоқда. СССР Темир йўллар министрлиги, Аэрофлот, Автомобиль транспорти министрликлари муҳим чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Меваларни ташиш учун ҳарбий транспорт авиацияси-ни жалб этиш мўлжаллаб қўйилди. Картошка, мева-сабзавот ва узумнинг нархлари тўғрисидаги масала ўзгача ҳал этилмоқда. КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларига мувофиқ, келгуси йилдан бошлаб мева-сабзавот маҳсулотини шартнома нархлари билан харид қилиш ривожлантирилади, бу эса хўжаликларни юқори сифатли маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан ва уни истеъмолчига ўз вақтида етказиб беришдан моддий манфаатдор қилади.

Мева-сабзавот ва картошка етиштиришга ихтисослашаётган колхоз ва совхозлар маҳсулотни қайта ишлайдиган цехларга, уни сақлайдиган замонавий омборхоналарга эга бўлиши муҳимдир. Оилавий хўжаликлар, боғдорчилик-полизчилик кооперативлари картошка, сабзавот ва мева етиштиришнинг катта резервига эгадир. Ҳар бир районда уларга ёрдам берадиган, аҳолига сотиладиган маҳсулотни қабул қилиб оладиган ва қайта ишлайдиган система ишлаши зарур.

Партия, совет, касаба союз ташкилотлари, меҳнат коллективлари кенгашларининг вазифаси, деди Е. К. Лигачев, саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида бевосита ва узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш юзасидан бошланган ҳаракатни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш ҳамда шу асосда мамлакатда озиқ-овқат етиштиришни кўпайтиришдан иборат.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари партия аграр сиёсатини тубдан қайта қуриш зарурлигини билдирибгина қолмай, шу билан бирга мамлакатнинг индустриал ва агросаноат комплексларини янада интеграциялаш муаммоларини янги позицияларда туриб ёритиб беришини таъкидлади. Шу жиҳатдан қараганда, республика областлари, районлари, агросаноат бирлашмалари ва фирмалари, хўжаликлари билан мамлакатнинг бошқа регионларидаги саноат корхоналари ўртасида бевосита ўзаро фойдали, узоқ муддатли алоқалар ўрнатиш аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилашга қаратилган таъсирчан чоралар.

Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар сингари Ўзбекистон ҳам пахта етиштиришга ихтисослашиш билан бир қаторда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштиришни ва етказиб берувчи энг йирик республикадир. Айни вақтда бизнинг табиий-иқлим шароитимизда етиштириладиган маҳсулот алоҳида қимматли, айтиш мумкинки, ноёб озуқавий сифатларига эгадир. Шунинг учун биз бундай маҳсулот етиштиришни ўзимизнинг озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга қўшадиган асосий ҳиссамиз, деб ҳисоблаймиз. Регионлараро бевосита алоқаларнинг дастлабки тажрибаси бу йўлнинг истиқболли эканини кўрсатиб турибди. Бу борадаги асосий принцип ва асосий наф — корхоналаримиз ва хўжаликларимиз жуда катта тўсиқлардан ҳамда план ва таъминот ташкилотларининг чалкаш йўлларидан ўтиб, ўзлари эга бўлган ресурсларни бевосита ўзаро фойдали асосда айрибошлашдан иборат.

РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. А. Горшков ҳақиқатан ҳам фойдали ва истиқболли бўлган бевосита алоқалар жиддий ташкилотчилик иши билан мустаҳкамланишни талаб этади, деган фикрни айтди. Айниқса шартнома интизоми мустаҳкам бўлиши зарур. Транспорт конвейнерини яхши йўлга қўйиш лозим. Сибирь ва Урал областлари Ўрта Осиёга анчагина картошка етказиб бермоқдалар, бироқ бу борада анчагина камчиликлар бор. Бунинг учун бизни тўғри танқид қилмоқдалар. Камчиликларни бартараф этамиз, таркиб топаётган шартнома муносабатлари ҳам ана шу камчиликларга барҳам беришда кўмаклашади.

ЎзТАГ мухбири кенгашнинг баъзи қатнашчилари билан суҳбатлашди.

Иркутск областидаги «Химпром» бирлашмаси меҳнат коллективи кенгашининг раиси А. Ф. Темников бундай деди:

— Биз саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилишини қўллаб-қувватлаймиз. Бу ҳам мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуришнинг кўринишидир. Бунда коллектив ўзи ишлаб топадиган маблағларни ўзи тасарруф қилади. Биз бундай манфаатдорлик тобора кучайиб боришига интиламиз.

Москва шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Ю. М. Лужков:

— Биз бу ерга келганимиз жуда яхши бўлди, чунки кўп миллионли аҳоли яшайдиган Москва сингари шаҳарни сабзавот ва мева билан таъминлашда конкрет вазиятни, жанубий районларнинг имкониятини бирмунча батафсилроқ билиб оламиз. Имкониятлар катта эканлигини, бироқ уларни рўёбга чиқариш учун қўшимча равишда биргаликда куч-ғайрат сарфлаш зарурлигини сезиб турибмиз.

«Уралчермет» бирлашмасининг бош директори А. И. Федоров:

— Биз жанубликлар билан илгаридан алоқа боғлаб келганмиз. Ҳозирги хўжалик ҳисоби шароитида витаминли маҳсулот билан гарантияланган тарзда таъминланишга эришиш мумкин. Биз ишга жиддий ёндашув, яъни бу иш системали бўлиши, узоқ муддатли шартномалар тузилиши тарафдоримиз. Турмушимизнинг барча соҳалари янгиланмоқда. Қишлоқда ҳам вазият анча ўзгармоқда. КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида ишлаб чиқилган йирик социал-иқтисодий ва ташкилий-сиёсий тадбирлар колхоз ва совхозларнинг, агросаноат комплекси барча корхоналарининг самарали ишлаши озиқ-овқат маҳсулоти етиштиришни жадал кўпайтириш учун қулай шарт-шароитни вужудга келтиради. Эндиликда энг муҳими ана шу шароитдан моҳирлик билан фойдаланишдан, озиқ-овқат ресурсларининг турли манбаларини жалб этишдан, озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда барча меҳнат коллективларининг фаол қатнашишига эришишдан иборат.

Кенгашда СССР Граждан авиацияси министрининг ўринбосари Б. Е. Панюков, СССР темир йўллар министрининг биринчи ўринбосари Г. М. Фадеев, Кемерово областидаги «Прокопьевскгидроуголь» бирлашмаси меҳнат коллективи кенгашининг раиси А. С. Кругляк, Челябинск трактор заводи бош инженерининг ўринбосари В. Ф. Маврин, Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси А. Ж. Жумагулов, Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси И. Ҳаёев, Туркманистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ю. К. Могилевец, Красноярск ўлка ижроия комитетининг раиси В. И. Сергиенко, Центрсоюз раисининг биринчи ўринбосари С. М. Кузьмичев, СССР министри Е. И. Сизенко, СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси Ф. Т. Моргун ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Тошкентдаги кенгаш қатнашчилари мазкур масалаларда муайян принциплар кўзга ташланмоқда, деган хулосага келдилар. Масалан, сабзавот ва мева етиштириш соҳасидаги ҳамкорлик шартномасида саноат корхоналари ўзларига берилган ҳуқуқ доирасида молиявий, моддий ресурслар билан қатнашишлари кўзда тутилиши лозим. Табиийки, асосий маҳсулот етказиб бериш юзасидан давлат буюртмасини, шартнома мажбуриятларини бажаришга сарфланадиган моддий-техникавий ресурслардан фойдаланилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Шартноманинг узоқ муддатли бўлиши бунинг зарур шартидир. Чунки дастлабки сарфланган ва жорий маблағлар ҳисобига, иқтисодчилар айтишганидек, вужудга келтирилган фондларнинг бутун амортизация муддати мобайнида саноат корхонаси узоқ вақт давомида маҳсулот олиб туриш кафолатига эга бўлишдан манфаатдордир.

Корхоналар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги хўжалик алоқалари фақат ихтиёрий асосда ўрнатилиши лозим. Шартномаларни яхшиси, бевосита, кўпдан-кўп воситачилар, ғоят кенгайтириб юборилган аппарат ёрдамисиз тузиш зарур. Бу агросаноат, матлубот кооперацияси савдо бирлашмаларининг оқилона воситачилигини истисно этмаслиги тушунарлидир.

Бевосита алоқаларни ривожлантира бориб, бундай алоқалар умумиттифоқ фондига зарар етказиш ҳисобига эмас, балки мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка етиштиришни қўшимча равишда кўпайтириш ҳисобига амалга оширилиши лозимлигини назарда тутиш керак.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Аграр бўлимининг мудири И. И. Скиба иштирок этди.

(ЎзТАГ).



Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг К. В. Громницкий бошлиқ сабзавоткорлар бригадаси даласида суҳбат.

И. ХЎЖАЕВ сурати. (ЎзТАГ).

МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗНИ АВАЙЛАБ АСРАЙЛИК

Ҳозир Ўзбекистонда етти ярим мингта тарих, археология, архитектура ва монументал санъат ёдгорлиги ҳисобга олинган. Бундан ўттиз йил илгари эса ана шу ёдгорликларнинг сони ўн мингдан ҳисобланар эди. Уларнинг кўпи йўқ қилиб юборилди. Қолганларининг анча қисми эса таъмирланишга, ободонлаштиришга ва оқилона фойдаланишга муҳтождир. Ўзбекистон Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти маънавий бойликларни сақлашда муҳим роль ўйнайди. Мазкур жамият правлениесининг Тошкентда бўлиб ўтган пленумида жамият фаолиятида қайта қуришни чуқурлаштириш тўғрисида гап борди. Республика Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти правлениесининг раиси Н. А. Мухитдинов доклад қилди.

Пленум қатнашчилари қайта қуриш, ошкоралик ва жамиятни демократиялаш шароитида республика аҳолисининг тарихий-маданий мероса қизиқиши, уни сақлаш, таъмирлаш ва маънавий янгилашда кенг иштирок этиш истаги ўсиб боравётганлигини таъкидлаб, жамият ҳозирча ана шу замонавий талабларга тўла даражада мос келмаётганлигига эътиборни қаратдилар. Жамият правлениеси маҳаллий бўлимлар, илмий-тадқиқот ва жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлари, илмий жамоатчилик билан ижодий алоқани сусайтириб юборган. Жамиятнинг жойлардаги кўпгина бўлимлари оммадан ажралиб қолган, кўпинча ўз вазифаларини аъзолик бадалларини тўплаш билан чеклаб қўймоқдалар. Ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамоат инспекторлари институти зарур даражада ривожлантирилмади, ёдгорликларни оталиққа олиш кўпинча расмий тусда бўлмоқда.

Пленум жамият иши форма ва методларини ўзини-ўзи бошқариш, ошкоралик, аҳоли фикрини ҳисобга олиш принципларини асосида яхшилашга оид конкрет планларни белгилади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг жамият фаолиятини янада такомиллаштиришга доир тадбирлар тўғрисидаги қарорлари ана шу планларга асос қилиб олинди.

Пленум иштирокчилари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг академик-секретари А. Асқаров баён этган «буюк ипак йўли» узоқ муддатли программаси тўғрисидаги ахборотни тингладилар.

Пленумда Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси, автоном республика Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятининг раиси Т. А. Ешимбетова нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон билан танишув

Покистон Ислом Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Абдул Саттор танишиш мақсадида республикага келди. Меҳмон В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетини бориб кўрди, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди. У Самарқанд ва Бухорода бўлди.

А. Саттор Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари П. М. Абдурахмонов ва Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов билан суҳбатлашди.

(ЎзТАГ).

• *Коллектив ўз комбинатини ижарага олди*

● Қўлиқ гул кулоллар шаҳри — Риштоннинг жанубидаги яп-яланг Йўлдошобод қирларида янги агросаноат комбинати қурилиши бошланганида кўпчилик унинг истиқболига ишонқирамай қараган эди. Бу жойлар шаҳардан анча четда, бунинг устига пахтачилик районида кўп миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун етарли хом ашё топиш қийин. Бироқ қаловини топса қор ҳам ёнади, деганларни тўғри гап. Комбинат шаҳардаги кичик миллий ширинликлар ишлаб чиқариш цехи базасида барпо этилди.

ҚАЛОВИНИ ТОПСА...

Район аҳолисини алкоголсиз ичимликлар, турли консервалар, колбаса маҳсулотлари билан таъминлашда тез-тез узилишлар рўй бериб турарди. Бу соҳада жиддий ўзгаришлар ясаш кўп жиҳатдан районда йирик агросаноат комбинати қурилиши билан боғлиқ эди. Бу заруратни чуқур тушунган район партия, совет ташкилотлари комбинат қурилиши ҳақидаги фикрни қўллаб-қувватлашди. Қурилиш авж олиб кетди.

Дастлаб комбинатда бўрдоқичилик базаси ташкил этилди. Базада аҳолидан харид қилинган ёш бузоқлар парвариш қилиниб, семиртириладиган бўлди. База ихтиёрида 540 гектар ер бор. Унинг қарийб 350 гектарида озуқа экинлари етиштирилади, мевали дарахтлар экилган. Шу ерда 400 бошга яқин қорамол, 200 га яқин чўчқа боқила бошланди. Ўз вақтида қараш, парваришлаш, озуқа рациони асосида боқиш туфайли қорамоллар кун сайин эт қўшабошлади. Гўштга сотиладиган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 400—500 килограммни ташкил қилади. Тайёрланган гўшт комбинатнинг ўзидаги колбаса цехига берилади. Ҳозирги пайтда Риштон агросаноат комбинатида тайёрланган колбаса маҳсулотлари аҳолига маъқул келяпти. Йилига цехда 500 тонна колбаса тайёрланиб, эл дастурхонига тортиқ этилмоқда.

— Коллективимиз корхонани кенгайтириш, янги қувватларни ишга тушириш борасида катта ишларни амалга оширди, — дейди озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехининг бошлиғи С. Турсунхўжаев. — Ўтган йили биз 11 миллион 360 минг сўмлик турли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқардик.

Комбинатга қарашли юз гектар боғда 1100 дан ортиқ асалари уяси бор. Ўтган йили бу ерда 250 тонна юқори сифатли асал тайёрланди. Риштоннинг ўрикзор боғларидан тўпланган бол ҳозирги пайтда Япония, Италия, Финляндия каби мамлакатларга юборилмоқда. Чет мамлакатлар билан товар айирбошлаш комбинатга катта иқтисодий фойда келтиряпти.

Комбинатда аҳолига турли хизматлар кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳозирги пайтда корхонада тикувчилик ва момиқ фабрикалари ишлаб турибди. Мева ва сабзавотни консервалаш цехида йилига 5 миллион дона шартли банка консерва маҳсулотлари тайёрланяпти. Миллий ширинликлар тайёрлашга эътибор катта. Ўтган йили аҳолига 4 миллион сўмлик ана шундай ширинликлар сотилди.

Ҳозирги кунда комбинат коллективи янги режалар билан яшаяпти. Тез орада 2 минг бош қорамол парвариш қилишга мўлжалланган ферма биноси, унинг ёнида эса гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи замонавий корхона ҳам қурилади. Шунингдек, кунига 15 тонна сут-қаймоқ тайёрлайдиган завод барпо қилиш ҳам планлаштирилмоқда.

— Областимизнинг барча шаҳарларида ва район марказларида махсус фирма магазинлари очмоқчимиз, — дейди корхона бош иқтисодчиси З. Фозилова, — икки мингинчи йилга қадар йилига юз миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо қилишга киришдик. Бироқ бу борада муаммолар ҳам йўқ эмас. Мева-сабзавот маҳсулотларини консервалаш, колбаса, дудланган гўшт, балиқ маҳсулотлари тайёрлаш сирларини эгаллаган малакали кадрларга эҳтиёжимиз катта. Шу соҳада махсус ҳунар-техника билим юрти очилса тўғри бўларди.

Дарҳақиқат, Йўлдошобод қирлари бағридаги комбинат ишчи ва хизматчиларнинг жонкуярлиги туфайли областдаги энг илғор, сердаромад корхоналардан бирига айланди. Ўтган йилнинг охирларида бу ерда яна бир янгилик юз берди. Корхона коллективи ўз комбинатини ижарага олди. Коллектив билан тузилган шартнома асосида Центросоюз правлениеси бу корхонани хусусий база сифатида қабул қилди. Аҳолига озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари етказиб бериш эндиликда яна ҳам кўпайиши шубҳасиз.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Мен оддий касб эгаси, — тоғ инженерияман. Ушбу хатни ёзишдан мақсадим: бири-бири билан боғлиқ икки мулоҳазани газетхонлар эътиборига ҳавола қилмоқчиман.

Биринчи фикрим — матбуот ҳақида. Республикамизда вақтли матбуот турлари кўп. Партия ва ҳукумат органларидан ташқари соҳа газеталар ёки журналлари бор. Ўқитувчилар, қишлоқ хўжалиги, адабиёт ва санъат ходимлари, қўйингчи ҳатто физкультура ва спортчилар ҳам ҳар куни ўз соҳалари газеталарини ўқий оладилар. Бугина эмас, улар газеталарида шу соҳага оид мавзуларда фикрлашишлари ва баҳслашишлари ҳам мумкин. Аммо республикамизда фақат бир соҳа — саноат ва қурилиш соҳалари ходимларининг ўз нашрлари йўқ. Ҳолбуки, Ўзбекистон индустрияси ривожланган республикалардан бири, кейинги йилларда енгил ва оғир саноат, айниқса жадал ривожланмоқда. Саноат ходимлари ҳам сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этадилар.

Тармоқда етилган масалалар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар талайгина. Табиийки, ошкоралик ҳаётимиз асосига айланиб бораётган ҳозирги давр ана шу муаммолар ҳақида матбуотда соҳа ходимларининг фикр-мулоҳазаларини кенгроқ ёритиб боришни тақозо этади. Республикада чиқаётган газеталарнинг эса имкониятлари чекланган. Мен ана шу мулоҳазага кўра, Ўзбекистонда ҳам саноат ва қурилиш соҳалари ходимлари учун мўлжалладим, марказий «Социалистическая индустрия» газетаси сингари «Ўзбекистон саноати» деб аталадиган янги газета нашр этиш вақти келди, деб ҳисоблайман.

МЕНИНГ ФИКРИМЧА...

Хатга муносабат

Яна бир мулоҳазам меҳнаткашларнинг ариза ва хатларига бўлган муносабат ҳақида. Газета ва журналларнинг ходимлари ҳам кишилар билан мулоқотда бўладиган бошқа ташкилот ходимлари сингари меҳнаткашлардан олинаётган ҳар бир хатга, унда билдирилган фикр ва мулоҳазаларга ғоят масъулият билан муносабатда бўлишга даъват этилганлар. Бироқ баъзан шундай ҳам бўляптики, бирор ходимнинг ўз вазифасига совуққонлик билан қараши редакцияга ишонч билан мурожаат қилган кишининг ана шу газета ёки журналдан кўнгли совишига сабаб бўлмоқда.

Мен ўз соҳамга алоқадор бўлган «Фан ва турмуш» журналига хат ёзиб, унда техника олий ўқув юртларида психология фани ўрганилмаётганлиги ва шу сабабли «Қизиқарли психология» китоби қайта нашр этилса мақсадга мувофиқ бўлиши ҳақида таклиф билдирган эдим. Орадан кўп ўтмай С. Одилова имзоси билан жавоб хати ҳам олдим. Бу хатда биринчи масала тўғрисидаги фикрим тўғрилиги, аммо «Қизиқарли психология» китобининг қайта нашри билан редакция шуғулланмаслиги, шу сабабли Қори Ниёзий номидаги илмий-текшириш институтига мурожаат қилишим мумкинлиги айтилган эди.

Жавоб мени қониқтирмади, албатта. Шундан сўнг ўз фикрларимни «Известия» газетасига ёзиб юбордим. Ушбу газета ходимлари мактубимга жиддий ёндашиб, редакция уни «Олий таълим оид журналлардан ўқиб-ўрганиб, ўзбек тилида нашр этилаётган «Фан ва турмуш» журналида ҳам «Микро калькуляторда программалаштиришни ўрганайлик» деган янги рубрика очишни таклиф қилиб хат юборган эдим.

Афсуски, редакция ходимлари бу мактубимга ҳам расмиятчилик билан ёндашишди. Улар менга «Таклиф ва истакларингизни журналимизнинг навбатдаги сонлари планини тузишда албатта инобатга оламиз» деб ваъда беришдию, аммо орадан икки йил ўтганига қарамай редакция ўз ваъдасининг уддасидан чиқа олмади. Шуниси ажабланарлики, журнал номидан юборилган жавоб хатида редакция ходими Асадуллаевнинг на хизмат вазифаси, на жавоб ёзилган вақт аниқ кўрсатилмаган эди. Мен бу хатларни журналга бекорчиликдан ёки эрмак учун эмас, унинг ҳар бир сонини синчиклаб ўқийдиган содиқ журналхон сифатида ёзган эдим. Редакция ходимининг ўз журналхони хатларига масъулиятсиз муносабати охир-оқибатда журналга бўлган иштиёқимни сусайтирди.

Айтмоқчиманки, одамлар билан доимий мулоқотда бўладиган ташкилотлар, жумладан газета ва журналларнинг ходимлари ҳам ўз хизмат вазифалари меҳнаткашларнинг хатларига, таклиф ва истакларига, ариза ва шикоятларига ҳамиша жиддий муносабатда бўлишни тақозо этишини сира унутмасликларини зарур.

Абдулла ШОДИЕВ,
тоғ инженери, Сирдарё области.





• *Газетхон билан суҳбат*

ҚАЙТА ҚУРИШ: АТЕИСТИК ТАРБИЯ ЙЎНАЛИШЛАРИ

КПСС XXVII съезди, хусусан, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидан кейин партия, давлат қурилиши, ғоявий-тарбиявий ишлар практикаси соҳасидагина эмас, умумназарий планда ҳам масалаларга принципиал, янгича қарашлар шаклланди. Бошқача айтганда, қайта қуриш жараёни коникрет институтлар, муассасаларнинг муайян иш форма ва методларини революцион қайта қуриш билан бирга юз бераётган воқеаларни, дунё ва жамиятга қарашларни янгича фикрлаш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ҳам демандир.

Юқорида айтилганлар кўп жиҳатдан атеизмга ҳам тааллуқлидир. Зотан, атеизм дунёқарашга хос тушунча бўлиб, атеистик ишларнинг моҳияти материалистик дунёқарашни, яъни марксизм-ленинизм асарлари ва тушунчаларига асосланувчи янги дунёқарашни шакллантириш ва тарбиялашдир. Бунда шуни кўзда тутиш керакки, атеизм ҳам, марксизм ҳам директив органлар ёки айрим шахсларнинг хоҳиши билан қарор топган тушунча эмас, балки динамик равишда ривожланиб борувчи таълимотдир.

«Атеизм» ва «атеистик иш» тушунчаларининг моҳиятини аниқлашда ҳам ана шундай қарашларга асосланмоқ лозим. Аниқроғи, бу ўринда гап шу масалалар бўйича бирон бир янгилик яратиш ҳақида эмас, балки марксизмнинг шу масала юзасидан классик қоидаларини догматик талқин қилишдан халос этиш ҳақида бормоқда. Яъни мазкур қоидаларни ижобий ҳал этишга ислом кенг тарқалган районларда ижодий ёндашиш лозим.

Атеизм «динсизлик»гина эмас, балки муайян дунёқараш мужассамидир. У икки хил — яъни эътиқодга кўра ва билмаган ҳолда бўлиши мумкин. Эътиқодли атеист бўлиш учун турли таълимотлар — диний ва диний бўлмаган таълимотларни чуқур билиш ва уларни бир-бирига солиштириш йўли билан атеизмга келиш мумкин. Лекин шундай ҳам бўладики, киши «худо йўқ, дин — халқ учун оғу» қабилидаги рост формуладан бошқа нарсани билмайди. Афсуски, бизда ана шу қабилдаги атеистлар кўпчиликни ташкил этади ва бу ҳол иохуш оқибатларга олиб келаётгани ҳам сир эмас.

Чунки, биринчидан, бундай атеист ўз дунёқарашига эга бўлиш ўрнига ёдлаб олган қоидалар тарғиботчиси бўлиб қолади, холос ва табиийки, диндор кишилар билан баҳсда ожизлик қилади. Иккинчидан, бундай атеистнинг ўзи диний урф-одатларга риоя этади. Учинчидан, оғизда ҳамма мачитларни вайрон қилиб, тазйиқ ўтказувчи позицияга тушиб қолади. Ана шундай позиция кўпинча шунга олиб келадики, бундай киши у ёки бу дин ёки секта адолат, яхшилик, эзгулик ва шулар сингари доно ва тўғри гапларни айтмоқда-ку, деб ҳайратга тушади ва кутилмаганда жанговар атеистликдан бирон-бир диний йўналишнинг иччил тарафдорига айланиб қолади.

Юқорида айтилганлардан хулоса шуки, атеистик тарбия, энг аввало, эътиқодли, билимдон, муайян дунёқарашга эга атеистларни тарбиялашга қаратилмоғи лозим. Бунинг учун аҳолининг маданий даражасини ошириш борасида кўп ишлар қилиниши керак. Шу пайтгача атеизм ишида социалистик турмуш тарзи ютуқларини кенг пропаганда қилиш етакчи роль ўйнаб келган эди. Баҳолонки, инсонлар онгидаги диний дунёқараш ўрнида материалистик дунёқарашни шакллантириш қайта қуриш олдимизга қўйётган энг муҳим талабдир.

Афсуски, ҳозирги вақтда ўрта мактаб ҳам, ҳатто олий ўқув юртлари ҳам бундай вазифани уддалай олмаяпти. Ўрта мактабларни битириб чиқувчилар кўпинча атеизмга оид энг оддий билимлар ва энг оддий кўникмаларга эга эмаслар. Тўғри, халқ таълимини қайта қуриш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Бу жараён ўзининг реал самараларини бериши учун ҳали анча вақт керак. Шунинг учун қайта қуриш имкониятидан фойдаланиб, бу борадаги ишни тезлатишимиз лозим. Худди шу ўринда атеизм пропагандистлари жиддий ишлар қилишлари мумкин.

Дастлабки қадам сифатида бу ишни аҳолининг барча қатламлари ўртасида тарихимиз ва маданиятимизни кенг пропаганда қилишдан бошлаган маъқул. Бунда кўпгина маданий обидалар, жумладан у ёки бошқа обида ислом билан боғлиқ эканлигидан ҳайиқмаслик лозим. Мусулмонлар олами, мусулмон маданияти, мусулмонлар цивилизацияси сингари терминлардан қўрқмай ана шу тушунчаларнинг моҳиятини қатъий илмий нуқтаи назардан талқин қилиб тушунтирмоқ мақбул.

Адабиётларда христианлар олами ёки буддистлар маданияти деган терминлар кенг қўлланилади. Бинобарин, ислом ақидалари тарқалган регионларда нима учун шундай терминларни ишлатмаслик керак? Бунинг устига, ислом дини тарқалган территорияларда тарихий-маданий муштаракликнинг мавжудлигини ким инкор эта олади? Бу гаплардан пропаганда ишларида умуман мусулмон оламининг тарихий-маданий муштараклиги ва баъзи халқларнинг маданияти ўртасида аниқ чегара ўтказиш керак эмас, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Фақат маданиятларнинг умумийлиги ва миллий ўзига хослигини талқин қилишда бир миллатни иккинчи миллатга қарши қўймаслик, миллатчиликка олиб борувчи реакцион йўлни фарқ қила билиш керак.

Бунинг учун, аввало, малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш даркор. Шу билан бирга матбуот саҳифаларида, радиоэшиттиришлари, телевидение чиқишларида мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Эскирган қолоқ фикрлардан, дин тўғрисида уни фақат қоралаб гапиришдан қочиш, масалани ўйлаб, хотиржамлик билан, баъзан эса ижобий оҳангда гапириш муҳимдир. Масалан, Россияда христианликнинг қабул қилинишига 1000 йил тўлиши муносабати билан давлат органлари ва илмий ташкилотлар томонидан ўтказилган тадбирларни олайлик. Бу ўринда динга нисбатан худди шундай қараш яққол намоён бўлди.

Аҳолининг кенг табақалари ислом бу бизнинг тарихимиз ва маданиятимизнинг бир қисми эканлиги ҳақида аниқ тасаввурни шакллантириш лозим. Ислом тарихда маълум бир вақт ижобий роль ўйнаган, уни ўтмишимиздан ўчириб ташлаш мумкин эмас. Бинобарин, одамлар ислом тарихда қайси жиҳатдан реакцион, қандай халқ анъаналарига диний тус берилганлигини тўғри фарқлай олишлари керак. Бунинг учун ислом тарихини, мусулмонлар олами ва мусулмонлар маданиятини билмоқ зарур. Бундай билимларни одамлар руҳонийлар тарқатаётган адабиётлардан эмас, балки, мутахассислар дастлабки манбалар ва объектив фактларни чуқур ўрганиш асосида ёзган асарлардан билмоғи керак. Бу ўринда ҳозирча жавобсиз қолиб келаётган кўпгина масалалар аён бўлади. Чунончи, Ўрта Осиё республикаларининг дин тарихи бўйича мутахассислари, атеист-лекторлари ўз она тилларида дастлабки манбаларнинг илмий таржимасига эга эмаслар. Биз қуръон, ҳадислар, тафсирлар ва шу сингари манбаларни тингловчиларга ўрта аср зулмати намуналари қилиб кўрсатишга ўрганиб қолганмиз. Қуръон фақат диний китоб эмас, балки ўрта аср араб ёзма адабиётининг ажойиб намунаси ҳамдир. Ислом бўйича лекциялар тематикасида эса «Қуръоннинг реакцион моҳияти» деган мавзу бор. Қизиғи шундаки, шу темани ўқитаётганларнинг бирон нафари тингловчиларга бу — аввало ёзма адабиёт обидаси, маданият обидаси эканлиги ҳақида гапирмайди. Бундай темадаги лекциядан диндорлар ўзини четга олиши турган гап. Агар «Қуръон — адабиёт ва маданият обидаси» темасида лекция ўқиладиган бўлса, унга кўпчилик қизиқиш билан қатнашади. Лекин лектор бунинг учун юксак малакага эга бўлиши, ўқиётган темасини жуда яхши билиши керак.

Умуман олганда, дин ҳақида гапиранда фақат унинг салбий томонларигагина урғу ишлатмаслик керак. Бунинг устига, ислом дини тарқалган территорияларда тарихий-маданий муштараклигининг мавжудлигини ким инкор эта олади? Бу гаплардан пропаганда ишларида умуман мусулмон оламининг тарихий-маданий муштараклиги ва баъзи халқларнинг маданияти ўртасида аниқ чегара ўтказиш керак эмас, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Фақат маданиятларнинг умумийлиги ва миллий ўзига хослигини талқин қилишда бир миллатни иккинчи миллатга қарши қўймаслик, миллатчиликка олиб борувчи реакцион йўлни фарқ қила билиш керак.

Бунинг учун, аввало, малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш даркор. Шу билан бирга матбуот саҳифаларида, радиоэшиттиришлари, телевидение чиқишларида мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Эскирган қолоқ фикрлардан, дин тўғрисида уни фақат қоралаб гапиришдан қочиш, масалани ўйлаб, хотиржамлик билан, баъзан эса ижобий оҳангда гапириш муҳимдир. Масалан, Россияда христианликнинг қабул қилинишига 1000 йил тўлиши муносабати билан давлат органлари ва илмий ташкилотлар томонидан ўтказилган тадбирларни олайлик. Бу ўринда динга нисбатан худди шундай қараш яққол намоён бўлди.

Аҳолининг кенг табақалари ислом бу бизнинг тарихимиз ва маданиятимизнинг бир қисми эканлиги ҳақида аниқ тасаввурни шакллантириш лозим. Ислом тарихда маълум бир вақт ижобий роль ўйнаган, уни ўтмишимиздан ўчириб ташлаш мумкин эмас. Бинобарин, одамлар ислом тарихда қайси жиҳатдан реакцион, қандай халқ анъаналарига диний тус берилганлигини тўғри фарқлай олишлари керак. Бунинг учун ислом тарихини, мусулмонлар олами ва мусулмонлар маданиятини билмоқ зарур. Бундай билимларни одамлар руҳонийлар тарқатаётган адабиётлардан эмас, балки, мутахассислар дастлабки манбалар ва объектив фактларни чуқур ўрганиш асосида ёзган асарлардан билмоғи керак. Бу ўринда ҳозирча жавобсиз қолиб келаётган кўпгина масалалар аён бўлади. Чунончи, Ўрта Осиё республикаларининг дин тарихи бўйича мутахассислари, атеист-лекторлари ўз она тилларида дастлабки манбаларнинг илмий таржимасига эга эмаслар. Биз қуръон, ҳадислар, тафсирлар ва шу сингари манбаларни тингловчиларга ўрта аср зулмати намуналари қилиб кўрсатишга ўрганиб қолганмиз. Қуръон фақат диний китоб эмас, балки ўрта аср араб ёзма адабиётининг ажойиб намунаси ҳамдир. Ислом бўйича лекциялар тематикасида эса «Қуръоннинг реакцион моҳияти» деган мавзу бор. Қизиғи шундаки, шу темани ўқитаётганларнинг бирон нафари тингловчиларга бу — аввало ёзма адабиёт обидаси, маданият обидаси эканлиги ҳақида гапирмайди. Бундай темадаги лекциядан диндорлар ўзини четга олиши турган гап. Агар «Қуръон — адабиёт ва маданият обидаси» темасида лекция ўқиладиган бўлса, унга кўпчилик қизиқиш билан қатнашади. Лекин лектор бунинг учун юксак малакага эга бўлиши, ўқиётган темасини жуда яхши билиши керак.

Умуман олганда, дин ҳақида гапиранда фақат унинг салбий томонларигагина урғу бермасдан, кишиларга динниг ҳар хил конкрет-тарихий вазиятлардаги ролини илмий жиҳатдан асослаб, хотиржамлик билан ҳар хил тамғалар ёпиштирмасдан гапириш керак.

Атеистик ишларнинг яна бир бошқа йўналиши, табиийки, бизнинг дунёқарашимиз оппонентлари диндорлар ёки ғайри марксистик идеологияни ташувчилардир. Биз бу ўринда ўзимиз кўпинча ўрганиб қолган диннинг душманлари эмас, балки оппонентлари сўзини ишлатдик. Гап шундаки, бизнинг мамлакатимизда кўпчилик диний арбоблар ва оддий диндорлар ҳаммамиз сингари мамлакатимиз фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилаётирлар. Бинобарин, дунёқараш масалалари ўртамизда сиёсий тўсиқ бўлмаслиги лозим. Бу ўринда СССР Конституциясининг виждон эркинлигига тегишли моддаларини эслаб ўтиш керак.

Энди ҳар бир киши ҳаётига тааллуқли бирмунча масалаларга тўхтаб ўтайлик. Яхшилик ва ёмонлик тушунчасини олайлик. Ҳар бир киши ўз ҳаётида яхшилик ва ёмонликка дуч келади. Ҳар қандай дин яхшилик ва ёмонлик қаердан келиб чиққанлигини ҳам ўйлаб, ҳар хил тамғалар ёпиштирмасдан гапириш керак.

Атеистик ишларнинг яна бир бошқа йўналиши, табиийки, бизнинг дунёқарашимиз оппонентлари диндорлар ёки ғайри марксистик идеологияни ташувчилардир. Биз бу ўринда ўзимиз кўпинча ўрганиб қолган диннинг душманлари эмас, балки оппонентлари сўзини ишлатдик. Гап шундаки, бизнинг мамлакатимизда кўпчилик диний арбоблар ва оддий диндорлар ҳаммамиз сингари мамлакатимиз фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилаётирлар. Бинобарин, дунёқараш масалалари ўртамизда сиёсий тўсиқ бўлмаслиги лозим. Бу ўринда СССР Конституциясининг виждон эркинлигига тегишли моддаларини эслаб ўтиш керак.

Энди ҳар бир киши ҳаётига тааллуқли бирмунча масалаларга тўхтаб ўтайлик. Яхшилик ва ёмонлик тушунчасини олайлик. Ҳар бир киши ўз ҳаётида яхшилик ва ёмонликка дуч келади. Ҳар қандай дин яхшилик ва ёмонлик қаердан келиб чиққанлигини ҳам ўйлаб, ҳар хил тамғалар ёпиштирмасдан гапириш керак.

Маълумки, дин кўпгина умуминсоний қадриятларни эълон қилади, барчага маълум бўлган илгатларни қоралайди. Буни тан олиш ва илмий жиҳатдан изоҳлаб бериш керак. Чунки бу борада оппонентларимизнинг позицияси жуда кучли. Масалан, биз кўпинча ислом динининг реакционлигини конкрет шахсларнинг фаолияти мисолида исботлашга уринсак, улар бизга Сталин, Брежнев, Рашидов ва бошқалар мисолида марксизмга нисбатан нима учун шундай қилинмайди, деб раддия билдиришади. Шунинг учун динда, жумладан ислом динида фанга зид бўлган жиҳатлар билан бирга халқ тарихи, маданияти билан боғлиқ томонларни ҳам кўрсатиш керак. Бундай йўл объектив бўлур эди. Биз исломнинг тарихдаги ижобий жиҳатларини кўрсатиш билан диндорларни ижтимоий фойдали меҳнатга мумкин қадар кўпроқ жалб этиш, жипслаштириш йўлини тутган бўлур эдик. Шундай социал муаммолар борки, уларни ҳал этишда диндорлар, динга эътиқод қилувчилар катта ҳисса қўшишлари мумкин. Экология, тарихий обидаларни сақлаш муаммолари, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка қарши кураш, медицина хизмати масалаларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Юқорида айтилганлар урф-одатлар ва анъаналарга биринчи навбатда тааллуқлидир. Ҳеч ўйламай-нетмай, ислом билан боғлиқ бўлган ҳамма урф-одатларга қарши курашиш керакми, уларнинг ўрнига биз нима беряпмиз? Инсон ҳаётидаги деярли ҳамма муҳим урф-одатларни амалда дин ўзиники қилиб олган. Жанозани олайлик. Ҳар бир киши ўз яқинларини аждодлари сингари дафн этишни хоҳлайди. Бу табиий нарса. Аслини олганда қуръон ўқишгина диний, холос. Шундай экан масаланинг худди шу томонини ўйлаб кўриш керак. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, у ёки бошқа анъаналарга қарши курашдан олдин уларнинг ўрнини нима билан тўлдириш мумкинлигини пухта ўйлаб кўриш керак.

Совет жамиятини қайта қуриш ва демократиялаш, ошкоралик шароитида атеистик ишларнинг яна бир муҳим йўналиши ҳақида тўхтаб ўтайлик. Кишилар ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларидаги, жумладан диний вазиятдаги ҳақиқий аҳволни билишни истайдилар. Бу ҳақиқатни ҳамма билиши керак. Лекин адабиётларда кўпинча йўқ нарса бор қилиб кўрсатиладиган ярим ҳақиқат бўлади, аксарият атеизм тантана қилди, деб гапирамиз. Лекин дин ҳақидаги реал аҳволдан етарли хабардор эмасмиз. Бинобарин реал диний вазиятни ҳеч бўямасдан, қўшиб ёзмасдан қандай бўлса, шу ҳолда кенг тадқиқ қилишимиз лозим.

Ҳозир фикрлар хилма-хиллиги тўғрисида кўп ёзяпмиз ва гапиряпмиз. Бу, демократия шароитида ҳар хил нуқтаи назарларни билдириш учун зарур, албатта. Шу муносабат билан ҳозирги замон дин арбобларининг атеизм ва атеистик ишларимиз ҳақидаги фикрларини ҳам эшитсак зарар қилмас эди. Матбуотда ва телекўрсатувларда бу мавзуда қизиқарли мунозаралар уюштириш мумкин. Бу эса, бир томондан, атеистик ишларни такомиллаштиришга, иккинчи томондан жамиятни демократиялашни ривожлантиришга катта фойда келтирган бўлур эди.

Т. ТОЖИДДИНОВ,
СССР Фанлар академияси Бутуниттифоқ шарқшунослар ассоциациясининг аъзоси.

Дунё овози

АҚШ

СОВЕТ — АМЕРИКА СЕМИНАРИ

ВАШИНГТОН, АҚШ конгресси вакиллар палатасининг қуролли кучлар ишлари билан шуғулланувчи комитетида Совет — Америка семинари ўтказилди.

Семинарда конгресс аъзолари ва ядро хавфига қарши тинчликни ҳимоя қилувчи совет олимлари комитетининг, шунингдек СССР фанлар академияси АҚШ ва Канада институтининг вакиллари иштирок этдилар. Семинар қатнашчилари кўпчилигининг фикрича, бўлиб ўтган мулоқот Америка томонининг СССР билан муносабатларни ривожлантиришга ёндашувдаги муайян ўзгаришларни акс эттиради ва жаҳонда рўй бераётган ўзгаришларнинг бевосита натижаси бўлиб, бу ўзгаришлар Совет тинчлик ташаббуслари амалга оширилаётганлигининг самарасидир.

●

ФИНЛЯНДИЯ

ФОТОГРАФИЯ ЮБИЛЕЙИ КЎРГАЗМАСИ

ХЕЛЬСИНКИ, Финляндия пойтахтида «Ахборот фотографиясининг 100 йиллиги» кўргазмаси очилди. «Лехтикува» фотоагентлиги уюштирган ушбу кўргазма мамлакатдаги энг йирик «Хельсингин саномат» газетасининг 100 йиллиги арафасида очилди.

Экспозицияда неча юзлаб ишлар намойиш этилмоқда. Буларнинг бир қисми «Лехтикува»нинг ўз архивидан олинган, бу архивда 8 миллионга яқин негатив сақланяпти, кўпгина суратларни эса жаҳондаги турли мамлакатларнинг музейлари, нашриётлари, ахборот агентликлари, газеталари юборган. Буларнинг ҳаммаси сўнгги бир аср тарихини акс эттиради, уларда революциялар ва урушлар, илм-фан ва спортдаги улуғ ғалабалар ҳақида, машҳур сиёсий арбоблар ва ёзувчилар, актёрлар ва созандалар ҳақида ҳикоя қилинган.

●

ЯНГИ АГРЕССИЯГА ТАЙЁРГАРЛИК

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Афғонистон ҳукумати БМТ Бош секретари, БМТнинг Афғонистон ва Покистондаги холис хизмат маҳкамасига мурожаат қилиб, Покистон Афғонистон Республикасига қарши янги агрессияга тайёргарлик кўраётганлигига халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини қаратди, бундай агрессия регионда янги можаро келтириб чиқариши мумкин.

Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжати сифатида эълон қилиниб, БМТ Бош секретарига ёзилган мактубда шу даъват баён этилди. Афғонистон ҳукумати, дейилади ана шу ҳужжатда, Покистон Жалолобод ва Қандаҳор шаҳарларига яна ҳужум қилишга тайёргарлик кўраётгани тўғрисида аниқ маълумотни қўлга киритди.

Покистоннинг Афғонистон Республикасига қарши янги агрессияси олдидан айтиш мумкин бўлмаган оқибатларга олиб келадики, бунинг учун бутун жавобгарлик Покистон милитаристлари зиммасига тушади, деб таъкидланади мактубда.

●

ЯПОНИЯ

БОШ МИНИСТРНИНГ ҚАРОРИ

ТОКИО. Япония бош министри Нобору Такэсита Совет Иттифоқи билан мулоқот кенгайтирилишини ва ҳамжиҳатлик чуқурлаштирилишини ёқлаб гапирди.

У мамлакат парламенти юқори палатасининг бюджет комиссиясида сўзга чиқиб, тинчлик шартномасини тузиш мақсадида СССР билан музокараларни зўр бериб давом эттириш зарурлигини айтди. Ҳар иккала томон, деди бош министр, ўз нуқтаи назарини яқинлаштиришга интилиши лозим.

Япониянинг ҳукмрон либерал демократик партиясида рўй берган молиявий можаро муносабати билан апрель ойининг охирида ўзининг ҳукумат бошлиғи лавозимидан кетиш тўғрисидаги қарорини эълон қилган Нобору Такэсита бу фикрни мамлакатнинг янги бош министрига ҳам билдириш ниятида эканлигини айтди.

●

ИСРОИЛ АҲОЛИСИ

Исроил аҳолиси 4,5 миллион кишига етди. «Қуддус» радиостанцияси берган хабарга кўра, марказий статистика бюроси эълон қилган маълумотларга мувофиқ аҳолининг 82 процентдан кўпроғи яҳудийлар, қолган қисми мусулмонлар, христианлар ва друзлардир. Ўтган йилга нисбатан мамлакат аҳолиси 1,7 процент кўпайди. (ТАСС).

НАТИЖА ЯХШИЛАНМОҚДА

Хива сут заводи қўриқхона — шаҳар аҳолиси ва меҳмонларнинг ўз маҳсулотлари билан тўла таъминлаётир. Бундан икки ой илгари корхона меҳнатчилари Урганч сут заводи билан шартнома имзоладилар. Шартномага кўра ишчилар корхонани ижарага олишди. Улар 65 минг сўмлик сут маҳсулотларни тайёрлашга аҳд қилишди.

Ижарачилар кўлга киритаётган натижалар чакки эмас. Маҳсулот тури кўпайиб, сифати яхшиланди. Хива сут заводи ишчилари янгича ишлашга ўтишдан аввал Олмалиқ шаҳри, Орёл ва Белгород областидаги турдош корхоналар ҳамкасбларининг иш тажрибаси билан танишдилар. Ҳар бир тийиннинг тежалишига эришлаётир. Натижада сув, газ электр энергияси, транспорт хизматига сарфланадиган маблағ ҳам камайди.

Кунлик ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120 фоизга ошди. Яқин кунлар ичида корхонада 12 турда сут маҳсулотларни тайёрланади.

Суратларда: 1 .Урганч сут заводи директори Очилди Йўлдошев (чапда) ижарачилар бошлиғи Бекёз Ибодуллаев билан мулоқотда. 2. Комсомол аъзоси Муҳаббат Отаназарова соцмалистик мусобақа пешқадамларидан бири.

Қ. ОТАЕВ суратлари [ЎзТАГ].

• *Халқ номзодлари*

МУНОСИБ ВАКИЛ



Депутатликка номзод М. Азизов (чапдан иккинчи) институт ўқитувчилари ва студентлари даврасида. В. МОЛГАЧЕВ суратн.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти талабаси Муқимжон Азизов 117-Тошкент — Октябрь миллий-территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди. У асли Фарғона областининг Бағдод районидан. Икки йил Афғонистонда интернационал бурчини бажарди. Ҳарбий хизматдан сўнг колхозда слесарь бўлиб ишлади, институтнинг тайёрлов факультетида ўқиди. Ҳозир ТАДИнинг 4-курс талабаси. Интернационал жангчилар советининг раиси.

Сайловолди программаси ҳақида гапганда Муқимжон босиқлик билан шундай дейди:

— Ваъда бериш осон. Ҳамма гап унинг ижросига эришишда. Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи биз — ёшларга катта талаблар қўяпти. Энг муҳими уларнинг қалбидаги гапларни, уларнинг олдидаги муҳим масала ва муаммоларни топиб айтиш, унинг ечими ҳақида қайғуриш керак. Ёшларимизнинг активлиги, ташаббускорлиги кучайди. Буни ҳамма тан оляпти. Лекин ана шу ташаббуслар баъзан қаршилик ва тўсиқларга ҳам дуч келиб қоляпти. Эътиборни кучайтириш керак бўлган бир қатор масалалар бор. Уй-жой муаммосини олинг. Бу, айниқса ёш оилалар учун мураккаб бўлиб қолди. Битта ҳовлида қўша-қўша келин-куёвлар истиқомат қиладиган оилалар кўп. Пахта монокультураси, табиат муҳофазаси? Бу ҳақда бугун қайғурмасак, эртага авлодларимиз олдида нима деб жавоб берамиз?

Муқимжоннинг кўнглида тугиб юрган, давраларда ўртага ташлаётган бундай «дарди» кўп. Афғонистонда интернационал бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ёшларни эъзозлаш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш зарур юмушлардан эмасми? Интернационалчи жангчиларга аталган ёдгорликни тезроқ бунёд этиш керак. Афғонистонда бўлиб қайтган жангчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш масаласи ҳам кун тартибида турибди.

— Мабодо депутат этиб сайланмасангиз программангизга муносабатингиз ўзгарадими? — сўрайман ундан.

— Асло, — дейди у. — Мен ўзим жон куйдиришим, ҳал этишда иштирок этишим лозим бўлган бу ишларга депутатлик нуқтаи назаридан эмас, кўп миллионли ёшларнинг бир жонкуяр вакили сифатида қарайман. Сайлов натижалари қандай бўлишидан қатъий назар актив жамоатчилик фаолияти олиб бораверамаи.

Ф. ХАЙРУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар комсомол комитетининг ходими.

ЎЗИМИЗНИ АМАЛИЙ ИШДА КЎРСАТАЙЛИК

Ҳозир халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида муайян силжишлар кўзга ташланиб қолди. Албатта, бу қайта қуриш шарофати, демократия ва ошкоралик натижасидир. Лекин шунга қарамай Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси мажлисида таъкидлаганидек, рўйхатга олинмаган «Бирлик» норасмий уюшмасининг баъзи ташкилотчилари ортиқча фаоллик кўрсатмоқдалар. Улар республикада партия ва давлат органлари тўпланиб қолган ўткир социал-иқтисодий ва маданий муаммоларни ҳал этиш юзасидан катта ишлар қилаётганлиги билан ҳисоблашишни истамаяптилар. Республикада ҳозирдаёқ изчил ҳал этилаётган масалаларга зўр бериб аҳолининг диққат-эътиборини қаратиб, айни пайтда ана шу масалаларни ҳал этишнинг бирон-бир йўлини таклиф этмаяптилар.

Менимча, турғунлик йиллари иллатлари натижасида юзага келган қийинчиликлар, муаммолар ҳақида ҳадеб жар сола беришдан кўра, кўпроқ амалий ишлар билан шуғулланишимиз лозим. Ана шундагина мамлакатимизда кенг миқёсда авж олиб кетган қайта қуришга шахсан ёрдам берган бўламиз. Зеро, ҳозир олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳаммамиздан қатъият кўрсатиб, оқилона иш тутишни талаб қилмоқда.

Бригадамиз миришкорлари 40 гектар ердаги тоқзорларни парваришлашмоқда. Яқинда бўлиб ўтган бемавриз совуқ туфайли токларимиз жиддий шикастланди. Лекин табиий офат ҳосилимизга зарар етказди, деб гапириб юришдан фойда йўқ. Омилкорлик билан иш юритиб, қолган ҳосилни сақлаб қолиш ва шикастланган токлар парваришини кучайтириш керак.

Шу йўл билан эл дастурхонига мўлжалдаги маҳсулотни етказиб беришга имкон яратамиз. Ҳозир далаларда, тоқзорларда меҳнат авжида. Ҳамманинг фикри-зикри табиат қийинчиликларини мардона енгиб план ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашдан иборат.

Хулоса шуки, ҳақиқий меҳнаткаш инсон турли шиорлар билан эмас, амалий иш билан ўзини кўрсатади. Норасмий ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам одамларни ғуда-беҳуда турли митинглар, намойишларга жалб қилиб, уларни умумий ишдан чалғитмай, қайта қуришга сафарбар этишга кўмаклашсалар айни муддао бўларди.

М. ТЎРАЕВА,
Яккабоғ районидаги «Коммунист» совхози бригада бошлиғи, СССР халқ депутати.

ҲАМЖИҲАТЛИК ЯХШИ

Биз ҳам бир вақтлар ёш бўлганмиз. У пайтларда комсомол ўт-олов, шу билан бирга партиянинг чинакам ёрдамчиси эди. Биз — комсомоллар партиянинг ҳар бир қарорини ўз вақтида, оғишмай бажаришни биринчи галдаги вазифамиз, деб билардик. Мана шу йўлдан бориб кам бўлганимиз йўқ. Улуғ Ватан урушидаги жаҳоншумул ғалабамиз, ундан кейинги халқ хўжалигини тиклашдаги муваффақиятларимиз бунинг ёркин далилидир. Буларнинг барчасига партиямиз бошқош бўлди.

Бироқ кейинги пайтларда айрим норасмий уюшмаларнинг хатти-ҳаракатлари кекса коммунист сифатида мени ҳам ташвишга солмоқда. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида ана шундай уюшмалар, жумладан ўзини «Бирлик» деб атаётган норасмий уюшма фаолиятига тўғри баҳо берилди. Ҳақиқатан ҳам, менимча, тўқликка шўхлик қилиб ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилиш учун ҳеч қандай асос йўқ. Норасмий уюшмалар республикамизда узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ўткирлаштириш ўрнига уларни бартараф этиш учун партия ва давлат органлари билан ҳамкорликда иш кўрсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Т. КАРИМОВА,
Андижон область уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

● **Ленинград олимлари Термиз педагогика институтида физиканинг ҳозирги замон муаммоларига бағишланган туркум лекциялар ўқидилар. СССР Фанлар академияси юксак молекуляр бирикмалар институтининг профессорлари Е. Ануфриев ва М. Краковяк институт физика-математика факультети ўқитувчилари ва студентларининг таклифига биноан бу ерга келдилар. Келгусида мамлакатнинг бошқа йирик илмий муассасаларидан ҳам олимларни лекциялар ўқиш учун таклиф этишни мўлжалламоқдалар.**

● **«Голодностепстрой»га қарашли 1-ўқув комбинати буюртма асосида ишчилар тайёрлай бошлади. Бу ерда корхоналар билан бевосита шартномалар тузиб, 5 хил янги ихтисос бўйича ўқишни йўлга қўйдилар. Эндиликда станоксозлар, қувур ётқизувчилар, ғишт терувчилар, сувоқчи-бўёқчилар, сантехниклар тайёрлаб чиқарилади. Ҳозир бу ерда 23 хил касб, жумладан, бўлажак кошинкорлар ва пардозловчилар сингари ноёб касб ўргатилмоқда. Хўжалик юритишнинг янги шароити бирлашманинг моддий базасини мустаҳкамлаш имконини берди.**

● **Қўрғонтепа районининг Мамурот қишлоғидаги янги мактаб биносида мактаб битирувчиларининг анъанавий учрашуви бўлди. Бундан 60 йил муқаддам пахса девор билан қурилган эски мактаб ўрнида эндиликда ишлаб чиқариш устахоналари, ўқув кабинетлари, компьютер техника билан жиҳозланган уч қаватли бино қурилди. Меҳмонлар дарсларга кириб, эски мактаб тарихи, дастлабки муаллимлар тўғрисида сўзлаб бердилар.**

● **Чўлқуварлар учун ичимлик сув келтирилади. Хўжалик қувурининг дастлабки навбати ётқизиб бўлинди. 69 километрли қувур орқали кўринқ Ленин йўли районига тоғдан оқиб тушадиган Хўжапак дарёси яқинидаги артезиан қудуқдан мусаффо ва чучук сув келтирилади. Ангор районидаги «Талимарон» совхози учун мўлжалланган қувурнинг иккинчи навбати монтаж қилина бошлади. Қувурнинг узунлиги салкам 40 километр.**

[ЎзТАГ].

• *ДОЛЗАРБ МАВЗУ* •

● XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида, КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленумида ва республика агросаноат комплекси ходимларининг қурултойида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлароқ таъминлашга катта эътибор берилди. Шу мақсадда аввалambor, қишлоқнинг ўзини озиқ-овқат билан таъминлаш ғояси илгари сурилди. Пахта монокультурасига барҳам бериш учун ерларнинг унумдорлигини ошириб, пахтадан бўшаган майдонларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш кўзда тутилди. Айни пайтда Озиқ-овқат программасининг муҳим бўғинларидан бири боғдорчилик ва узумчиликка ҳам катта эътибор бериляпти. Янги боғ-роғлар ва токзорлар яратиш борасидаги муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан ҳозирги пайтда нималарга эътибор бериш керак?

ЯНГИ БОҒ-РОҒЛАР — ЯНГИ ЕРЛАРГА

БОҒДОРЧИЛИК ва узумчилик — қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан. Бу борада республикамизда бирмунча ишлар амалга ошириляпти. Айниқса, қир-адирларда, тошлоқ ерларда пахта ўрнига боғлар ва узумзорлар яратишга киришилганлиги айни муддао. Шу билан бирга аввалдан мева ва узум етиштириб келинаётган жойларда ва тоғолди районларидаги ерларда боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш мўлжалланмоқда.

Ҳамонки, қир-адирларда, тошлоқ ерларда пахта ҳосилдорлиги, ҳусусан унинг рентабеллиги паст экан, демак, бундай жойларда ғўза ўстиргандан кўра, боғ барпо этиш мақсадга мувофиқ. Чунки мевали дарахтлар яхши парвариш қилинса, тошлоқ, қумлоқ, адир ерларда ҳам мўл ҳосил бераверади.

Янги ўзлаштирилган жойларда боғдорчилик ва узумчилик фан-техника ютуқлари асосида ва ерларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ҳисобга олиниб ташкил этилиши, кўчатларнинг биологик хусусиятлари, маҳаллий шароит назарда тутилиши керак. Шундагина мўл ва сифатли ҳосил олиш мумкин.

Ҳозирги пайтда боғбон ва соҳибкорларимиз олдида катта вазифалар турибди. Биринчи навбатда республикамиз аҳолисини янги узилган ва қайта ишланган мева ва узум билан йил бўйи таъминлашимиз керак. Мамлакатимизнинг шимолий районлари аҳолисини ҳам ширин-шакар маҳсулотлар билан таъминлаш — интернационал бурчимиз. Мақсадга эришишнинг энг муҳим резервларидан бири тармоқни интенсивлашдир. Агар биз бу йўлни изчил давом эттирсак, мавжуд ерларга оз маблағ ва меҳнат сарфлаб кўпроқ мева ва узум етиштиришимиз мумкин. Бундан ташқари қайта ишлаш саноатига юқори сифатли хом ашё етказиб беришимиз, қуруқ мева ва майиз тайёрлашни кўпайтиришимиз лозим.

Янги ерларни тўғри танлаш, боғ ва токзорларга ажратилган майдонлардан самарали ва оқилона фойдаланиш, навларни ҳосилдорлиги ва сифатига қараб экиш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кадрларни жой-жойига қўйиш, малакаларини ошириш чораларини кўриш соҳани интенсивлаштиришнинг асосий йўлларидир.

Боғдорчилик ва узумчилик ихтисослаштириш ва концентрациялаш асосида ривожланиши керак. Бу — ер ва сув ресурсларидан оқилона, самарали фойдаланиш, фан ютуқларини кенг жорий этиш, ходимларга зарур социал-маданий шароитлар яратиб бериш, маҳсулотни қайта ишлаш ва асраш учун база яратади.

Мева ва узум тайёрлашда ихтисослашган совхозлар асосий базадир. Кўп йиллик боғлардаги ҳосилни кўпайтириш учун доимий равишда тупроқнинг унумдорлигини ошириб бориш лозим. Сифатли мевалар салмоғини кўпайтиришда халқ хўжалиги планлари ва маҳаллий шароитни ҳисобга олиш керак.

Хўжаликларнинг ихтисослашувига кўра кўп йиллик мевазорлар қуйидагича жойлаштирилиши тавсия этилади: суғориладиган зонадаги шўрланмаган тупроқли майдонларнинг 60—70 процентида боғ, 30—40 процентида токзор ташкил этган маъқул. Шўрланишга мойил ерларда эса 30—40 процент боғ, 60—70 процент токзор бўлса, айни муддао. Узумчилик совхозлари майдонларнинг 20—25 процентида боғ, 75—80 процентида узумзор ташкил этсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Кейинги пайтларда область марказлари ва шаҳарларининг аҳолиси кўпайиб бормоқда. Йирик саноат корхоналари қад ростлаяпти. Бу ўз навбатида аҳолининг мева ва узумга бўлган талабини қондириш учун шаҳар яқинидаги зоналарда жойлашган колхоз ва совхозларни боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштиришни талаб этади. Ихтисослаштирилган хўжаликлар муайян планга эга бўлишлари зарур. Янги боғлар ва узумзорлар барпо этишда кўчатларнинг навидаги хўжаликлар аҳолини янги мева ва узум билан йил бўйи таъминлашлари лозим. Бунинг учун замонавий ускуналар билан жиҳозланган йирик омборхоналар қуриш мақсадга мувофиқдир. Бундай омборхоналар биринчи навбатда ишлаб чиқариш жойларида, яъни мева ва сабзавот етиштиришга ихтисослашган колхоз ва совхозларда бунёд этилиши лозим. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, 4—5 минг тонна маҳсулот сиғадиган омборхоналар икки йил ичида харажатни тўла қоплайди. Лекин бугунги кунда бизда ана шундай омборлар етишмаяпти, кўпайтиришга эътибор берилмаётир, мавжудларининг қувватидан эса тўлиқ фойдаланилмаяпти. Маҳсулотларни сақлашнинг фан тавсия этган мақбул режимини жорий этиш билан уларнинг сақланиши муддатини узайтириш мумкин. Шу билан бирга маҳсулотни сақлашнинг мураккаб ускуналар талаб қилинмайдиган халқ усулларидан ҳам кенг фойдаланилса, кўп жиҳатдан ютилади.

Аҳолини йил бўйи маҳсулот билан таъминлаш учун қайта ишлаш саноати ишини янада яхшилаш даркор. Эндиликда мева ва узум кўплаб етиштириладиган зоналарда маҳсулотни қуритиш ва бошқа турдаги қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш керак. Ҳозирги пайтда бундай корхоналар жуда кам. Ҳолбуки, қайта ишлаш саноати ишлаб чиқаришнинг энг самарали ва фойдали соҳаларидан ҳисобланади. Ҳозирги пайтда қайта ишлаш саноатининг ҳиссаси ҳамма етиштирилаётган мева ва узумнинг 10 процентидан ошмайди, холос. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 30—40 процентга етказилиши керак. Ана шундагина боғдорчилик ва узумчиликдан олинадиган даромад кескин ошади.

Ҳозирги пайтда боғдорчилик ва узумчиликда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш асосий вазифалардан биридир. Ҳозир тармоқдаги қатор жараёнларни механизация зиммасига юклаш имкониятига эгамиз. Такомиллашган махсус техника воситалари бор. Бироқ кўпгина хўжаликларда улардан фойдаланишда камчиликларга йўл қўйиляпти. Тўғри, ҳали боғдорчилик ва соҳибкорликда ишлатиладиган техникани янада такомиллаштириш керак. Шундай бўлса ҳам янги боғлар ташкил этилаётган хўжаликларни махсус техника билан таъминлашга эътибор берилса, айни муддао бўларди. Бу борада ремонт базалари ташкил этиш ҳам муҳимдир.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Кўпинча химикатларнинг ишлатилиш муддатларига риоя этилмай қўлланилади. Бунинг оқибатида зараркунандалар янада кўпайиб кетади. Шунинг учун ҳам бирлашмамизда зараркунандаларга қарши курашнинг табақалаштирилган биологик системаси ишлаб чиқилган. Энди ғап ундан тўғри фойдаланишда, холос.

Янги ерлардаги янги боғ-роғлар тақдирини малакали кадрлар ҳал қилади. Ота-боболарнинг удумини тутган, ер қадрини билган малакали мутахассисларгина боғларни яшнатади. Малакаси йўқ, топширилган иш учун масъулият ҳис қилмайдиган кишилар бор жойда гуллаб-яшнаб турган мевазорлардан ҳам файзбарака арийди. Андак қўпол бўлса-да, халқимиз жуда топиб айтганидек, «Ер қадрини билмайди — ер экмаган деҳқонлар, эл қадрини билмайди — эл кўрмаган нодонлар». Шунинг учун кадрлар масаласига алоҳида аҳамият бериш керак. Уларни илғорлар тажрибасидан баҳраманд этиш, масъулиятини ошириш муҳимдир.

Фан-техника ютуқларидан фойдаланишнинг аҳамияти катта. Кейинги йилларда илмий муассасалар томонидан серҳосил, касалликларга чидамли, турли тупроқ-иқлим шароитларига мослашган серҳосил навлар яратилди. Ниҳолларни парваришлаш учун янги илғор технология ишлаб чиқилди. Бу тавсиялардан янги хўжаликлар ташкил этишда, боғ ва узумзорлар барпо этишда фойдаланилса, яхши самара беради. Ҳар бир зонада деҳқончилик қилишнинг фан ютуқлари асосидаги тавсиялари ишлаб чиқилган.

Мева ва узум тайёрлашни кўпайтиришнинг муҳим резервларидан бири томорқаларда, хонадонларда мевали дарахт кўчатларини ва узумзорларни кўпайтиришдир. Шуни ачиниш билан айтиш керакки, кўпгина қишлоқ ҳовлилари ҳувиллаб ётибди. Мевали дарахт ёки ток кўчатлари у ёқда турсин, ҳатто сабзавот экилмайдиган ҳовлилар бор. Шу нарсанинг гувоҳи бўлдимки, кўпчилик қишлоқ одамлари шаҳар бозорларида маҳсулот сотиш ўрнига аксинча, у ердан харид қилмоқдалар. Ахир, шу нарсаларни қишлоқда улар билан ёнма-ён бўлган миришкор кишилар бозорга келтиришяпти-ку. Демак, биринчи навбатда қишлоқ хонадонларида маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш лозим. Қишлоқ тўймаса — шаҳар тўймайди.

Ҳар йилгидек, бу йил ҳам республикамизда кўплаб боғ-роғлар яратилди, миллионлаб мевали дарахт кўчатлари ва ток қаламчалари экилди. Эндиги вазифа — уларнинг ҳаммаси бир текис ривожланишини таъминлашдир. Янги боғлар ва токзорлар ташкил қилиш билан бирга эски боғлар ва токзорларнинг ҳосилдорлигини оширишимиз лозим.

Ердан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, узумзорларда токларни симбағазларга тўла кўтариш, мева ва узум тайёрлаш технологиясига қатъий риоя қилиш, барча зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш лозим. Тупроққа ишлов бериш, дарахтларни чилпиб, уларга шакл бериш, суғориш, органик ва минерал ўғитлар солиш ва зараркунандаларга қарши аёвсиз кураш олиб бориш муҳимдир.

Аҳолини қисқа муддатларда мева ва узум билан таъминлаш билан бирга тармоқни ривожлантиришнинг келажакка мўлжалланган режаларини тузишни унутмаслик лозим. Икки мингинчи йилларга бориб Ўзбекистон аҳолиси 30 миллионга етади деган тахминлар бор. Ўзўзидан маълумки, мева ва узумга бўлган талаб ҳам ортади. Йирик саноат марказларига маҳсулот жўнатиш кўпаяди, қайта ишлаш ва қуритиш корхоналарига ҳам кўплаб хом ашё зарур бўлади. Шунинг учун ҳозирданоқ боғ ва токзорларни интенсивлаштириш йўлидан боришимиз, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ялпи мева ва узум миқдорини кўпайтириб боришимиз шарт.

Бу баҳор боғбону соҳибкор учун катта умид бахш этганди. Боғлардаги ҳамма мевали дарахтлар ёппасига гуллаб, шиғил-шиғил ҳосил тукканди. Токзорлар ҳам яхши ривожланаётганди. Буларнинг барчаси мўл ҳосилдан дарак бериб турарди. Бироқ афсуски, табиатнинг қалтис ҳазили туфайли барча қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан боғ-роғлару токзорларга катта зарар етди. Бу офат тўсатдан бошланди. Май байрами арафасида ҳаво кескин совиб, кўпгина областларга қор ёғди. Айрим жойларда серҳосил боғларга қор кўрпаси қўнди. Баъзи районларда дўл ёғди.

Мутахассисларимиз республикамиз областларида бўлиб, боғлару токзорлардаги ҳақиқий аҳвол билан танишиб чиқдилар. Меҳнат кишиларига маслаҳатлар бериляпти, амалий ёрдам кўрсатиш тадбирлари ишлаб чиқиляпти.

Бундай қийинчиликларни кўравериб кўзи пишиб кетган халқимиз табиий офат олдида эсанкираб қолгани йўқ. Ҳосилни сақлаб қолиш учун кўлларидан келган ҳамма ишларни қилдилар. Лекин шундай бўлса ҳам ҳосилнинг кўп қисми нобуд бўлди. Эндиликда боғларда қанча ҳосил қолганини аниқлаб, уни тўла сақлаб қолишга ёрдам берадиган агротехник тадбирларни тўғри белгилаш лозим. Ҳосили сақланиб қолган дарахт ва токларни яхшилаб парваришлаш зарур. Вақтида тагини юмшатиб, маҳаллий ва минерал ўғитлар солиш, тез-тез суғориб туриш даркор. Шундагина мевалар йирик ва сархил бўлади. Меваси тўкилиб, ҳосили нобуд бўлган дарахтларни қаровсиз қолдириб бўлмайди. Айримлар меваси нобуд бўлган дарахтдан нима фойда, қабилида иш тутиб, уларга эътиборни камайтириб юборган бўлишн мумкин. Бироқ шуни унутмаслик керакки, биз бу дарахтларни қанчалик яхши парвариш қилсак, улар бу йил шунчалик кўп куч-қувват тўплайди. Келгуси йили унинг ҳосили ҳам шунга яраша бадастир бўлади. Еш ниҳоллар парваришини янада кучайтириб бориш шарт. Зеро келгусида дастурхонимизни безайдиган мевалар ана шу ниҳоллардан олинади.

Бу йилги шароит соҳибкорларни катта синовдан ўтказмоқда. Токзорларни совуқ уриши натижасида кўплаб шўралар, новдалар нобуд бўлди. Эндиликда уларни олиб ташлаш ва токзорлар қатор ораларини юмшатиб, минерал ва маҳаллий ўғитлар бериш, вақтида суғориш талаб этилади. Шу йўл билан бошқа куртакларининг уйғониши ва яхши ўсишига имкон яратилади. Боғбон ва соҳибкорларимиз катта синовдан ўтмоқдалар. Ўйлаймизки, улар бой тажриба ва маҳоратларини ишга солиб, аҳволни ўнглаб оладилар. Эл дастурхонига сифатли маҳсулотлар етказиб берадилар.

Янги ерларга — янги боғ-роғлар яратайлик! Халқимиз «Меҳнатинг қаттиқ бўлса, еганинг тотли бўлар» деган. Не-не машаққатлар билан экилган ниҳолларни астойдил парваришлаш, уларнинг бирортаси ҳам қуриб қолмаслигига эришиш — ҳар биримизнинг бурчимиз!

М. МИРЗАЕВ,
Р. Р. Шредер номидаги Боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, ВАСХНИЛ академиги.

Мардлик — мангулик

ХАЛҚ ДИЛИДА

Улуғ Ватан уруши бошланганда Андижонлик Неъматжон Ҳакимов район ҳарбий комиссариатига мурожаат қилиб, урушга юборишларини илтимос қилди. У сержантлик мактабини ўтагандан сўнг 1943 йил ноябрида фронтга жўнади. 3-Закаспий дивизияси составига пулемётчи бўлиб қўшилди. Бу ерда Виктор Ершов билан танишди ва битта расчетда хизмат қила бошлашди. Улар урушнинг энг оғир йўлларини бирга босиб ўтишди.

...Волиншчинани озод қилиш учун оғир ва шиддатли жанглар борарди. Ўз ҳалокатини сезган душман қўшинларимизга қаттиқ қаршилик кўрсатиб, ҳар бир қарич ер, ҳар бир тепалик, ҳар бир аҳоли пунктига тиш-тирноғи билан ёпишиб олишга ҳаракат қиларди.

1944 йилнинг 24 январида Стир дарёси атрофида, Козилиничи қишлоғи остоналарида ва Старо-Сарторгск қишлоғи яқинидаги 193- тепаликда жанглар қизиганди-қизиди. Гитлерчилар тепаликни қўлга киритиб, бўлинмаларимиз ҳаракатини тўхтатиб қолмоқчи бўлдилар. Ана шу мақсадда пиёдалар ва танклар ҳужумга ташланди. Ҳал қилувчи дақиқада Ершов наводкачи, Ҳакимов эса унга ёрдамчи бўлган расчет олға силжиб, фашистларга қарши ўт очиш тўғрисида буйруқ олди. Душманга қарши жон-жаҳди билан олишган гвардиячи тўпчилар унинг йўлини тўсиб қўйишди. Фашистлар ўз пиёдаларига мадад бериш учун янги кучларни ишга солди.

Пулемётчилар душманнинг юздан ортиқ солдатини ер тишлатдилар. Танклар ҳамон яқинлашиб келмоқда эди. Ана шу дақиқада Виктор Ершов ва Неъматжон Ҳакимов танкка қарши гранаталарни белларига боғлаб, душман танки остига ўзларини ташладилар, уни портлатиб юбордилар. Жасур гвардиячилар ўз ҳаётларини қурбон қилиб бўлса ҳам гитлерчилар танклари ва пиёдаларининг олға силжишига йўл қўймадилар.

Қарши ҳужум барбод этилди. Довюраклар ўз жасоратлари билан бўлинмага янги марраларни эгаллашига имкон тўғдирдилар. СССР Олий Совети Президиумининг 1965 йил 6 майдаги Фармонига мувофиқ Н. Ҳакимов ва В. Ершовга ўлимидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилди.

... Андижонликлар қаҳрамонлар номини муқаддас сақламоқдалар. Андижон шаҳридаги 37-мактабга улар номи берилган. Мактаб ҳовлисида жасур жангчиларга ёдгорлик ўрнатилган. Озодлик майдонида ва Н. Ҳакимов ўқиган 32-мактабда қаҳрамон бюсти ўрнатилган. Кўпгина пионер отрядлари, кўчаларга Неъматжон Ҳакимов номи берилган. Шунингдек Н. Ҳакимовнинг портретларини Ровно, Луцк шаҳарлари, Маневичи қишлоғи музейларида учратамиз. Россия, Украина шаҳарларидаги қатор мактаблар ҳам қаҳрамонлар номи билан аталмоқда.

В. ЛИПАТОВ,
Уруш ва меҳнат ветерани.

Тўлапберган Қайипберганов 60 ёшда



«ҲАҚИҚАТНИ СЕВИШ ОСОН...»

Қорақалпоғистон АССР халқ ёзувчиси Тўлапберган Қайипбергановнинг адабий қаҳрамонларидан бири «Мен ҳақиқатни севаман, лекин шунчаки севгининг ўзи етарли эмас, мен ҳақиқат учун курашишим ҳам керак», дейди.

Ҳар бир виждонли одам ўз халқини айрича меҳр, айрича муҳаббат билан севади. Баъзилар унинг ўтмишини хотирлаш билан чекланса-лар, бошқалар халқига муҳаббати ҳақида оғиз тўлдириб гапиришни яхши кўрадилар. Аммо, табиийки, ўз ўтмишини унутмаган ҳолда халқининг бахтли келажаги учун чинакамига кураш олиб борган одамларгина ҳақиқий ватанпарвар ҳисобланади. Тўлапберган Қайипбергановнинг «Қорақалпоқ достони» трилогияси қаҳрамони Маманбий ана шундай ватанпарварлардан, аммо бунинг учун унга катта ҳаёт мактабидан ўтишга тўғри келади. У, энг аввало, бир халқнинг бахти бошқа халқнинг қайғуси ҳисобига яратилмаслигини, халқ ўз бахтини тиклаш учун тинимсиз кураш олиб бориш зарурлигини англаб етади.

Трилогиянинг биринчи китоби Маманбийнинг қуйидаги самимий ва отошин сўзлари билан якунланади: «Эй, одамлар, қадрдон ҳамюртларим, мени ташлаб кетманглар, қўрқманглар, менга ишонинглар, бирга курашайлик, бизга бошқа йўл берилмаган!»

Бу юракнинг туб-тубидан отилиб чиққан отошин хитоб ўқувчини инсоннинг тарихда тутган ўрни, халқнинг ўз-ўзини англаши ҳақида ўйлашга ундайди.

Маълумки, ўз халқи ҳақида чин ҳақиқатни ёзиш ҳар бир ижодкорнинг зиммасидаги асосий вазифа. Тарихий ҳодисалар ёки фактларни шунчаки қайд этиш эмас, аксинча, халқнинг маънавий-ахлоқий тарихини таҳлил қилиш, бадиий ҳақиқатга содиқ қолган ҳолда тарих ҳақиқатини мужассамлаштириш керак.

— Ҳаммамиз биламизки, — дея ҳикоя қилади адиб, — Петр Биринчи, Богдан Хмельницкий, Навоий, Абай ҳақида ҳамда шуҳрати тириклигидаёқ бутун дунёга танилган одамлар ҳақида романлар ёзилган. Мен қаламга олмоқчи бўлган Маманбий, Ойдўс, Эрназар олақўзнигина эмас, ҳатто улар мансуб бўлган қорақалпоқ халқи борлигини ҳам дунёда ҳамма билавермайди. Китобхонларимга улар ҳақида аччиқ ҳақиқатни айтишим учун узоқ ўйладим.

Агар ҳаёт ҳурсандчилик билан бошланса-ю, кўз ёши билан тамом бўлса, жуда ёмон, агар у кўз ёши билан бошланса-ю, табассум билан тамом бўлса, қувончли ҳисобланади. Хўш, башарти, ҳаёт баъзилар учун қувонч билан бошланиб, қувонч билан якунланса-ю, баъзилар учун кўз ёши билан тамом бўлсачи? Ҳаётдаги бу ва шунга ўхшаш жумбоқларга жавоб топиш учун кўп ўйлашга тўғри келди. Бу саволларнинг ҳаммасига менда биргина жавоб бор эди. Фақат ҳақиқатни ёзиш керак. Бунинг учун қорақалпоқ халқининг айрим вакилларигина эмас, балки, ўзи нима учун номаълум қолиб келаётганлиги сабабларини очиб беришим зарурлигини ҳис қилдим. Фақат ана шу ҳақиқатгина аждодларимизнинг шонли ўтмишини тиргилтириш имконини беради... Ҳақиқатни севиш осон, аммо уни ҳимоя қила билиш қийин».

Ўта аччиқ, аммо ҳаққоний ва адолатли сўзлар. Ҳақиқатнинг юзига тик қараш ҳеч бир даврда осон кечмаган. Бас, шундай экан, ижодкорнинг маънавий қиёфаси ҳам унинг фаол гражданлик позицияси билан тайинланади.

Замонавий романлар фалсафийлашиб бормоқда, дейишяпти кўпчилик мунаққидлар. Ҳа, бугунги романчиликда тарихийлик, замонавийлик, интеллектуаллик, маънавийлик сингари муаммоларни чуқур ифода қилишга интилиш ҳоллари сезилмоқда. Т. Қайипбергановнинг «Қорақалпоқ достони» трилогияси, «Сўнгги ҳужум», «Қорақалпоқ қизи», «Кўз қорачиғи» романлари, ибратли ҳикоялар, афсоналар асосига қурилган «Қорақалпоқнома» мемуар асари бу фикрни тўла тасдиқлайди.

Адиб билан ҳаётнинг чигал муаммолари, ижод сирлари, ҳозиржавоб публицистика ва Орол тақдири ҳақида бир неча бор суҳбатлар қурганмиз. Гоҳо унинг бугунги қайта қуриш ҳусусидаги дардли сўзларини тингласам, гоҳо ижод машаққатлари, адабий гуруҳлар, ижодий мунозаралар борасида айтган мулоҳазаларини бериб эшитаман. У ҳар сафар ўз фикрини «Менинг бугунги ҳақиқатим — бу Орол ҳақиқати», деган сўзлар билан тугатади.

Бу гал мен ёзувчини ўта нохуш бир кайфиятда учратдим. Гапнинг рости, тоби қочиб қолмадимикан, деган хаёлга ҳам бордим. Дастлаб гапларимиз унчалик қовушмади.

— Иним, вақтинг бемалолми, — дея сўраб қолди у тўсатдан.

— Нимайди?

— Районларга чиқиб келамиз.

— Майли.

1989 йил апрель ойининг охирлари... Ҳавонинг қовоғи солиқ, кучли шамол увиллайди. Кўкатларни, дов-дарахтларни юлқийди. Туз аралаш чанг нафас олишга қўймайди.

— Қуюн бекорга дайдиб юргани йўқ, — дейди адиб хиёл бўғилиб, — бу Оролнинг фожиаси. Қандай қилиб шу кунларга келиб қолдик. Гоҳо ўйланиб қоламан. Эҳтимол, биз ёзувчилар ўн беш—йигирма йил аввал бугунгидек дод-вой қилганимизда бу фожианинг олди олинган бўлармиди. Гапнинг индаллосини айтсам, биз ҳам қўл қовуштириб, жим қараб турганимиз йўқ. Бюрократларнинг қўли баланд келди. Бир мисол келтириб ўтай. «Кўз қорачиғи» романимда Орол фожиаси, пахта якка-ҳокимлиги, пораҳўрлик, кўзбўямачилик каби долзарб масалалар тилга олинган эди. Роман нашр қилинаркилинмас кучли тазйиққа учради. Обком ходимларининг фикрича, асарда тилга олинган масалалар гўё адиб томонидан атайин тўқиб чиқарилган эмиш.

Халқнинг бугунини яхши билиш учун унинг тарихини чуқур ўрганиш лозим. Ҳар бир тарихий факт эса, фақат шакл ҳисобланадики, унда кўплаб инсонларнинг тақдирлари, ниятлари, интилишлари ўз аксини топади. «Сўнгги ҳужум», «Қорақалпоқ қизи», «Қорақалпоқнома» асарларим шу тариқа майдонга келди.

— Фикрим аниқ бўлиши учун, — дейди ёзувчи, — шу ўринда «Қорақалпоқ достони» трилогиясининг қаҳрамонларидан бири — Ойдўснинг тақдирини олиб кўрайлик. Ойдўс Хива хонининг амрига мувофиқ қорақалпоқ халқининг ҳукмдорига айланади. Бу, шубҳасиз, тарихий факт. Лекин бу фактнинг замирида нималар яшириниб ётибди? Хоннинг таклифини қабул қилганида Ойдўс нималарни ўйлади экан? Ёки Ойдўс ўз қабиладошларига нисбатан хиёнаткорлик ролини ўйнай бошлади, деган мулоҳазани олиб кўрайлик. Бу ўринда ҳам тарихий ва психологик жиҳатдан бир қатор қизиқарли саволлар юзага келади.

Биринчидан, барча қабила ва уруғларни бирлаштириш учун интилишни шубҳасиз хиёнат деб баҳолайвериш керакми? Турли хил манбаларда Ойдўс шундай таърифу тавсиф қилинган эмас. У ўз ниятларини қай тарзда амалга оширганлигига келсак, бу бутунлай бошқа масала. Бошқа халқларнинг тарихий шаклланиш жараёнида ҳам шунга ўхшаш фожиалар юз берган. Иван Грозний яхлит, марказлашган давлатни бунёд этиш учун рус феодаллари билан озмунча кураш олиб борганми? Петр Биринчи ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида ўз ҳамюртларининг қони тўкилишини четлаб ўта олармиди? Кичкина халқнинг йўлбошчиси бўлган Ойдўснинг аҳволи кўп жиҳатдан мушкул эди. У бошқа зиддиятлардан ташқари вассаллик шартларини ҳам бажариши лозим эди.

Адиб хиёл жимиб қолди.

— Мана, кўрдингизми, — дея сўзини давом эттарди у, — қанчадан-қанча чигал масалаларни ҳал қилиш керак эди. Ижодкорнинг биринчи галдаги вазифаси фактларни тиргилтириш, ҳақиқатнинг кўзига тик қарай билишдир.

Шамол кучли довулга айланиб, шатир-шутур ёмғир ёға бошлади. Қалин тузлар билан қопланган далаларнинг ранги ўз тусини ўзгартирди. Биз ёмғирнинг тинишини интизорлик билан кутдик. Мана, ёмғир ҳам тинди. Теварак-атрофни, уфқлар билан туташиб кетган чексиз далаларни кишининг нафасини бўғадиган аллақандай сассиқ ҳид қоплади. Билиб турибман, адибнинг кайфияти бузилди.

— Яқинда мени СССР халқ депутатлигига сайлашди. Мен бу воқеадан хурсандман, албатта. Куни кеча сайловчиларим билан учрашдим. Улар билан очиқчасига гаплашиб олдик. Мен бўлиб ўтган савол-жавоблар хусусида тўхталиб ўтирмайман. Аммо сайловчилардан бирининг илтижо билан қилган илтимосини тилга олмай ўтолмайман: «Жон оға, Оролни асраш учун кучингизни аяманг!» Тўғрисини айтсам, бу сўзларни эшитиб, юрагим эзилиб кетди. Орол — халқимнинг орзуси, умиди ва келажаги. Оролсиз яшашни тасаввур қилиш қийин.

Ҳа, адиб ҳақ. Ҳақиқатни севган одам Оролни ҳам севмаслиги мумкин эмас.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ, филология фанлари доктори.

ЮБИЛЕЙ КЕЧАСИ

НУКУС («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Тўлапберган Қайипбергановнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан бу ерда юбилей кечаси бўлиб ўтди. Йиғилишда Нукус давлат университетининг кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор С. Аҳмедов адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида доклад қилди. Юбилярни Жўлмирза Оймирзаев, Тлеуберган Жумамуратов каби таниқли ёзувчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари табриклади.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликов адибга область партия комитети, автоном республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг табрик мактубини топширди.

Юбилей йиғилишида Қорақалпоғистон АССР Олий Совети президиумининг раиси Т. А. Ешимбетова иштирок этди.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

• Хотира

Тошкентда область ички ишлар органларининг хизмат бурчини адо этиш пайтида ҳалок бўлган ходимларига ёдгорлик очилди. Монумент очилиши муносабати билан бўлиб ўтган тантанали митингда пойтахт областининг партия ва совет ходимлари, Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг ходимлари, ветеранлар сўзга чиқдилар. Милиция взводлари Луначарский шоссесидан тантанали юриб ўтиб, қаҳрамонлар ҳурматини бажо келтирдилар.

ЁДГОРЛИК ОЧИЛДИ

...Рихсивой Қаҳрамон она Қумри Масалиеванинг тўртинчи ўғли эди. Рихсивой ғоят хатарли жиноятчиларни қўлга олиш чоғида автомобиль фалокатида ҳалок бўлди. Милиция катта сержанти бўлган бу йигит ўша 1975 йилнинг ёзида эндигина 27 ёшда эди. Унинг эгизак ўғиллари Ҳасан ва Ҳусан ўша йили туғилишган. Улар эндигина 14 баҳорни кўрган бўлишига қарамай, ўзлари учун ота касбини танлаб қўйишган. Сержант, хизмат вазифасини Аҳмадали Масалиев ҳалок бўлган акасининг ўрнига ички ишлар органларига ишга кирди.

Гранит панжарада хизмат бурчини адо этиш пайтида ҳалок бўлган йигирма беш нафар йигитнинг фамилияси бор. Тошкент области шаҳар ва посёлкаларидаги кўчаларга уларнинг номлари берилган.

— Бундай ёдгорлик бунёд этиш тўғрисидаги ғояни барча бўлинмалар қўллаб-қувватлади, милиция ходимлари бу хайрли иш учун бир кунлик иш ҳақини ўтказдилар, — дейди Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи, ички хизмат майори Г. А. Серебряков. — Биз шунга ўхшаш ёдгорликларни изладик. Аммо мамлакатда бундай ёдгорликлар йўқ экан, чунки бизда милициянинг ҳалок бўлган ходимлари шарафига ўрнатилган монументлар жуда кам... Шунда биз Тошкент шаҳрининг бош рассоми Р. Юсуповга мурожаат қилдик. У лойиҳа муаллифи бўлди. Мотамсаро онанинг рамзий тасвирини акс эттирган ҳайкалтарошлар А. Раҳматуллаев ва Л. Рябцевлардир.

Н. ПОЛЯНСКАЯ, ЎзТАГ мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театри биносида 27 майдан 2 июнгача

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ А. ЛОҲУТИЙ НОМИДАГИ ТОЖИК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

27, 29 майда — **ШОҲ ЭДИП** (фожиа) Софокл

28 майда,
2 июнда — **ШУМ ЖИЯН** (2 пардали комедия) Ш. Солиҳов

30 майда — **ИШҚ ФАРЕДИ** (2 пардали лирик драма) Ғ. Абдулло

31 майда — **ЧОРРАҲАДА** (2 пардали сатирик драма) Н. Табаров

1 июнда — **ҚАФАСДАГИ КАКЛИК** (2 пардали драма) Т. Зулфиқоров

СПЕКТАКЛЛАРДА: СССР халқ артистлари, СССР Давлат мукофоти лауреати Асил БУРҲОНОВ, Ҳошим ҒАДОЕВ;

Тожикистон ССР халқ артистлари: Х. АБДУРАЗЗОҚОВ, К. ЗАВҚИБЕКОВ, М. ИСАЕВ, Б. НАМАТИЕВ, Б. РАЖАБОВ, М. ТОҲИРИЙ;

Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: М. Камолова, А. Муҳаммаджонов, У. Ражабов, Н. Ҳасанов ва театрнинг бутун ижодий коллективи қатнашади.

Театрнинг бош режиссёри — Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳушназар МАЙБАЛИЕВ.

Спектакль соат 19.30 да бошланади.

Касса 15 май соат 12.00 дан бошлаб ишлайди.

Спектакллар рус тилига синхрон таржима қилинади.

Коллектив бўлиб кўриш учун буюртмалар қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг УРТА ОСИЁ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТЎТИ

1989 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА:

медицина генетикаси, асаб касалликлари, болалар хирургияси, болалар урологияси, социал гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш, нормал физиология.

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА:

педиатрия (14 ўрин), акушерлик ва гинекология (2), болалар юқумли касалликлари (2), болалар хирургияси, юқумли касалликлар, фтизиатрия, рентгенология, психиатрия, тери-венерик касалликлар, қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари (2), болалар анестезиологияси ва реаниматологияси, травматология ва ортепедия, ички касалликлар (2), хирургия (2), кўз касалликлари.

КОНКУРС МУДДАТИ — 15 майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700140, Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй, илмий қисм. Телефонлар: 62-54-30 ; 62-52-24.

ҚОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Саноат ва илмий мақсадларда ишлатиладиган оптика-механика асбобларини ижарага берувчи

«СВИТЯЗЬ» АТЕЛЬЕСИ

ҚУЙИДАГИ АСБОБЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРАДИ ВА СОТАДИ:

АК-IV автоколиматори, УФ-281 ва 283 қувват пасайтиргичлари, ДФС-452 спектографи, ИВС-28 генераторлари, СЛ-12стилоскоплари, ИМЦ 100Х50 микроскопи, СКС-1М, ИРФ-454 Б тезкор камераси, ОСК-2ЦЛ, ИСП-30, ОДГЭ-20, СТЭ-1 оптика скамейкаси ва СФ-18, ИКС-29 ва СФ-46 спектрофотометри.

Адрес: 700027, Тошкент шаҳри, 27-алоқа бўлими, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8 «а» уй. Телефонлар 45-45-53 ва 45-45-57.

«Свитязь» кинофотоаппаратларига техника хизмати кўрсатиш ва уларни кафолатли ремонт қилиш фирмаси устахонаси.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

• Спорт

ВЕЛОПОЙГА:
ОЛИС МАСОФАДА

Халқаро Тинчлик пойгаси давом этмоқда. Учинчи босқичда пойгачилар Лодзь — Вроцлав шаҳарлари оралиғидаги 198 километрли йўлни босиб ўтишди. Бунда ГДР спортчиси Олаф Йенш маррада биринчи бўлди. Бу сафар тошкентлик Жамолиддин Абдужабборов ўнинчи ўрин билан қаноатланди. Олдинда эса қизғин ва муросасиз баҳслар турибди.

ЧИМ ХОККЕЙ:
ЎЗ МАЙДОНИДА

Аёллар олий лига командалари навбатдаги учрашувларни ўз майдонларида ўтказиб, муваффақият қозондилар. Чунончи, Тошкент областининг «Политотдел» коллективи Киев спартакчилари билан куч синашиб (2:1, 1:0), қимматли очколэр тўплади. «Андижанка» қизлари эса Бухоронинг «Технолог» командасини қабул қилиб, 4:0 ва 2:0 ҳисобида устун келдилар. Хоккейчи йигитлар эса сафарда дуруст ўйин кўрсатолмадилар. Фарғонанинг «Химик» коллективи Свердловск армиячилари майдонида имкониятни (0:2, 0:4) бой берди. Андижоннинг «Звезда» хоккейчилари эса Ульяновск шаҳрида «Волга» командаси билан ўйнаб, биринчи учрашувда (2:1) ютиб, такрорийсида (0:2) бой беришди.

ФУТБОЛ:
ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

Келаси йили Италияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари давом этмоқда. Учинчи группага кирувчи коллективлар ўртасида бир учрашув бўлди. Совет футболчилари сафарда Туркия командасидан устун (1:0) келишди. Ҳозир футболчиларимиз тўр: ўйинидан етти очко тўплаб, ягона пешқадам бўлиб туришибди. Туркия футболчилари бешта ўйин ўтказиб, бешта очко тўплашган. Австрия, Исландия, ГДР командаларида иккитадан очко бор. 17 майда ГДР—Австрия, 31 майда СССР — Исландия командалари ўзаро учрашадилар.







ЎЙИН-МАШҒУЛОТ ТИЛ ЎРГАТАДИ

Республикамизда яшаётган турли миллат вакилларининг ўзбек тилига эҳтиёжи, қизиқиши ортиб бормоқда. Салмоқли ишлар қилинмоқда. Айниқса, мактабгача болалар тарбия муассасаларида ўтказилаётган турли тадбирлар эътиборга лойиқдир. Жумладан, пойтахтимизнинг Чилонзор районидаги 265-болалар боғчасида шу мақсадда қизиқарли ўйинлар, савол-жавоб кечалари, концертлар ташкил қилинмоқда. Болалар бу ўйинларда мароқ билан қатнашмоқдалар.

Яқинда бу ерда бўлиб ўтган «Бозорга бордик» ўйин-машғулоти фойдали бўлди. Рус, корейс, татар ва бошқа миллат болалари ўзбек тилида харидор ҳамда сотувчи сифатида бир-бирлари билан мулоқотда бўлдилар.

М. НАЗАРОВ. Муаллиф суратлари.

Ахборот

Қодирий луғати

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР давлат кутубхонасининг «Ноёб нашрлар» бўлимида Навоийнинг кейинги даврларда кўчирилган қўлёзма девонлари, А. С. Пушкиннинг ҳаётлик пайтида нашр этилган асарлари ва Лев Толстой билан М. Ломоносовнинг ноёб китоблари, ўзбек адибларидан Ойбек, Ғафур Ғулом дастхатлари битилган нашрлар сақланмоқда. Яқинда бу жавон бир қатор китоблар билан бойиди. Ёзувчи Абдулла Қодирийнинг рус тилида Тошкентда 1935 йили нашр этилган «Обид кетмон» ҳамда 1925 йили чоп этилган «Ўтган кунлар» романи янги бисот намуналаридир.

Бундан ташқари Тошкент — Қозон шаҳарларида босмадан чиқарилган Саҳи Раҳматий ва Абдулла Қодирий лар томонидан тузилган «Русча-ўзбекча» тўла сўзлар луғати ҳам эътиборга лойиқ. Бу китобни С. Раҳматийнинг Тошкентда яшаб турган рафиқаси совға этиб топширди. Луғатнинг «П» ҳарфи бўйича сўзликларни А. Қодирий ва қисман А. Саъдиев тузган. Луғат 1934 йилда нашрдан чиққан.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Пайариқда ўн кун

● Пайариқлик мухлислар санъаткорлар хизматидан беҳад мамнун бўлишди. Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғуломжон Ёқубов раҳбарлигидаги концерт группаси район шаҳар ва қишлоқларида ўн кун мобайнида чиқишлар қилиб, кўпчиликни қувонтирди. Тошкентлик санъаткорлар Нариманов посёлкасида, «Пайариқ», «Социализм», Киров номли совхозлар, Крупская, Карл Маркс номли, Куйбишев номли колхозларда катта концерт номерлари кўрсатишди. Томошабинлар Ғуломжон Ёқубовнинг ҳар бир чиқишини қарсаклар билан олқишладилар. Шунингдек, республикада хизмат кўрсатган артист Лола Оқилованинг рақслари қарсакларга, аскиячи Абдулқосим Тўйчиевнинг чиқишлари ичакузди кулгилар га сабаб бўлди.

К. СИНДОРОВ.

Ҳовли тўйлари

● Чуст — Наманган областидаги аҳолиси кўпайиб бораётган шаҳарлардан бири. Бу ерда меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қилинмоқда. Яқинда Октябрь 60 йиллиги кўчасида тўрт қаватли бино фойдаланишга топширилди. 24 квартирали бу уйни «Чустирстрой» механизациялашган кўчма колоннасининг Е. Хасанов, Х. Жўраев, Т. Абдурасулов бошлиқ бригадалари муддатидан илгари қуриб беришди. Бинонинг биринчи қаватига озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилувчи магазин жойлашди. Янги уйларга кўчиб кирган оилалар эса ҳовли тўйларини нишонлашди.

С. НАСИМХОНОВ.

Шоир совғаси

Боғиолон — дўнгликларда яратилган боғ дегани. Қадимда қумликлар ўрнида боғ-роғлар яратган аждодлар ўз қишлоқларини ана шундай ном билан аташган. Урганч районидаги Куйбишев номли колхозда жойлашган бу қишлоқ сўнгги пайтда яна ўз номига монандлик касб эта бошлади. Кейинги икки йилнинг ўзида 110 гектар майдонда турли хил мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилди. Қишлоқ марказида истироҳат боғи ташкил этилди. Келажакда унинг ёнида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган боғиолонликлар учун ёдгорлик ўрнатилади.

Ҳалқимизнинг севимли шоирларидан бири Омон Матжон шу қишлоқда таваллуд топиб вояга етган. Унинг ўз юртига, ҳамқишлоқларига меҳр-муҳаббати катта. Боғиолонликлар ҳам уни дилдан қадрлашади. Шу боис улар ғалаба куни шоирнинг шахсий кутубхонасидаги энг сара асарлардан жамланган 500 дан ортиқ китобни ҳушнудлик билан қабул қилиб олдилар. О. Матжоннинг бу совғаси янги кутубхонанинг вужудга келишига асос бўлди. Унинг ёнида катта ва файзли ўқув зали ҳам бор. Бу залнинг ҳарактерли жойи шундаки, унга республикамизнинг ҳозирги замон адабиёти ва санъати намояндаларининг портретлари қўйилган.

Колхоз клубида О. Матжон билан ҳамюртларининг учрашуви бўлиб ўтди. Кеча чинакам адабиёт ва санъат байрамига айланди.

А. ҚОРЖОВОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/V да **Ўзбекистон ССР халқ артисти Иброҳим Юсуповнинг ижодий кечаси** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ БИНОСИДА М. Авезов номидаги Қозоқ давлат академик драма театрининг гастролари — 12/V да **Синфимиз қизлари** (19.30), 13/V да **Қоранўз** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/V да **Хотинимнинг эри**, ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/V да **Зиёфат** (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 12, 13, 14/V да **Ёш қизиқчилар конкурси** (19.30), **«Жаҳон карнавали» цирк томошаларининг ҳайрлашув гастроллари** (13/V да 17.00 да, 14/V да 12, 15.00 да).

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИДА

20 МАЙ СОАТ 10.00 да

«Тўқимачилик» мутахассислиги бўйича таҳсил кўрган инженерларнинг

ОДАТДАГИ УЧРАШУВИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзи правлениеси ва санъат ветеранлари совети республиканинг биринчи актёрларидан бири, Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзининг кекса аъзоси

Ҳафиз ЯЛДОШЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти коллективи илмий ходим Ш. Р. Ҳуррамовга отаси

Раҳматулла ҲУРРАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари республика илмий-методик маркази коллективи шу марказ директори вазифасини бажарувчи Ў. Д. Тоҳировга онаси

Манзура КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Фарғона политехника институти коллективи институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор М. М. Муҳитдиновга отаси

Мўминжон МУҲИТДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01223. Б. — 111. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12